Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 136 (20. 403) • 1989 йил 9 июнь, жума • Баҳоси 3 тийин.



СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИДА

7 июнь куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида СССР халқ депутатларининг съезди ўз ишини давом эттирди.

СССР Олий Советининг Раиси **М. С. Горбачев** мажлисни очди.

Кун тартибидаги масалаларга киришишдан аввал мен президиум номидан ҳозирги вақтда Ўзбекистонда вужудга келган вазият ҳақида съездга ахборот бермоқчиман, деди у. Вазият ҳозирча мураккаб. Республикада Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Қодиров раҳбарлигида тузилган ҳукумат комиссияси ишламоқда. Катта тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, одамларнинг хавфсизлигини, жамоат тартибини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Бироқ, вазият мураккаб, тўқнашувлар давом этиб, одамларнинг жароҳатланиши ва ҳалокатига олиб бормоқда, иморатларга ўт қўйилмоқда.

Ҳар ҳолда, гарчи республикадаги вазият назорат остида турган бўлса ҳам, яхшилик сари қатъиян ўзгармаяпти. Бу аҳвол ҳаммамизни жуда ташвишлантириши табиий.

Бу воқеа айниқса миллатлараро муносабатлар хусусида биз нақадар сабр-тоқатли, матонатли ва диққат-эътиборли бўлишимиз кераклиги, ўз ҳатти-ҳаракатларимиз учун нақадар масъулиятли бўлишимиз лозимлиги хусусидаги яна бир сигналдир.

М. С. Горбачев съезд номидан яна бир бор Ўзбекистон меҳнаткашларига мурожаат қилиб, сабр-тоқат, осойишталикни сақлашга, энг муҳими эса воқеалар назорат остидан чиқиб кетмаслиги, вазиятни маҳкам қўлда сақлаб туриш, гиж-гижлаш ишларини олиб бораётганларни, қурол ишлатаётганларни, ҳаддан ошаётганларни тўхтатиб қўйиш учун барча ишларни қилишга астойдил даъват этишни таклиф қилди. Республиканинг, меҳнаткашларнинг кучлари етарли эканига, улар бизнинг даъватимизга қулоқ солишларига умид қиламиз, деб таъкидлади СССР Олий Советининг Раиси.

Совет Иттифоқининг ҳудудини муҳофаза қилиш органларига, республика ҳукумат комиссиясига экстремистик ҳаракатлар хавфи остида қолган одамларнинг ҳаётини хавф-хатарсиз сақлаш учун ҳамма чораларни кўриш топширилади.

М. С. Горбачев халқ депутатлари съездининг даъватини барча иттифоқдош республикаларнинг меҳнаткашлари эшитадилар ва бу даъватга қўшиладилар, деб ишонч билдирди.

Съезд овоз бериб, президиумнинг таклифини қабул қилади.

Съезд кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга киришади.

Раислик қилувчи **М. С. Горбачев** СССР Олий Совети ва унинг палаталари дастлабки мажлисларининг якунлари тўғрисида депутатларга ахборот беради, бу мажлисларда асосий ташкилий масалалар ҳал қилинганини айтади. Палаталарнинг раислари сайланди, Олий Советнинг комитетлари ва палаталарнинг доимий комиссиялари тузилди. Комиссиялар ва комитетларнинг составини палаталар ва Олий Совет кейинги мажлисларида белгиланади.

СССР Олий Совети СССР Министрлар Советининг Раиси лавозимига Н. И. Рижковни тайинлади. Г. В. Колбин СССР Халқ контроли комитетининг раиси этиб сайланди.

Шундан кейин СССР Министрлар Советининг Раиси **Н. И. Рижков** «СССР ҳукуматининг келгуси фаолияти программаси тўғрисида» доклад қилди.

Шу билан съезднинг мажлиси тугади.

8 июнда СССР халқ депутатлари съезди ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

«СССР ҳукуматининг келгуси фаолияти программаси тўғрисида»

Н. И. РИЖКОВ доклади

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Шу залда бўлаётган воқеалар, совет кишилари диққат-эътибор билан кузатиб турган воқеалар ҳақиқатан ҳам жамиятимиз тараққиётида сифат жиҳатидан янги босқич бошланганини — жаҳондаги энг кўп миллатли давлатлардан бирида чинакам халқ ҳокимиятига ўтиш бошланганини билдиради.

Мен ҳозирги пайтнинг ўзига хос жиҳатларини ва аҳамиятини ана шундай тушуниб, ҳукумат бошлиғи лавозимига номзодимнинг кўрсатилишини гоят зўр масъулият ва чуқур миннатдорчилик туйғулари билан кутиб олдим.

Съездда авж олган ўткир баҳс муносабати билан, шубҳасиз, СССР Министрлар Совети келгуси фаолиятининг асосий йўналишларини баён қилиб бериш билан бир вақтда мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиб бериш ҳам зарур. Бу эса депутатларга ҳукуматнинг ишини чуқур англаб етиш, иқтисодимизда пайдо бўлган мураккаб муаммоларни ҳал этиш юзасидан кўрилган тадбирларга ҳар томонлама баҳо бериш, СССР Министрлар Совети янги составининг платформасини тасаввур қилиш имконини беради.

Ана шунга асосланиб, менимча, гапни мамлакатдаги иқтисодий вазиятни таҳлил қилишдан бошлаш ўринли бўлур эди. Бу вазият бир хил эмас, бинобарин унга турлича баҳо бериш мумкин. Съездда бу хусусда бошланган принципиал гапларда ҳам ана шундай баҳолар айтилди.

Истеъмол бозори мураккаб аҳволга тушиб қолди, молия ва пул муомаласи ғоят бузилган. Қишлоқ хўжалиги ва капитал қурилиши турғунликдан жуда секин чиқмоқда. Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда жиддий бурилиш бўлгани йўқ. Бу бир хил нуқтаи назар бўлиб, уни ҳам ҳақли дейиш керак.

Яна бир нуқтаи назар бўлиши мумкин, мен уни анъанавий ёндашув деб атаган бўлур эдим. Миллий даромад ва ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари кўпаймоқда, бунинг устига анчагина миқдорда кўпаймоқда. Саноат маҳсулотининг бутун ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бўлди, экономика тараққиётининг бутун тарихида ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. Фойда мислсиз суръатлар билан кўпаймоқда. Иш ҳақи ва ижтимоий истеъмол фондлари кўпайиб бормоқда. Уй-жой қурилиши, мактаблар, касалхоналар, болалар боғчалари барпо этишни жадаллаштиришда бурилиш бўлди. Бу — реалликдир, бундай баҳони ҳам ҳақли дейиш мумкин.

Ниҳоят, учинчи ёндашув. Ана шу жараёнларнинг қарама-қаршилиги, уларнинг зиддияти ва гайриоддийлиги биз онгли равишда амалга оширa бошлаган чуқур ўзгаришлардан, жамиятнинг янги сифатга ўтишида муқаррар бўлган жуда катта қийинчиликлардан келиб чиқади.

Шундай қилиб, вазиятга турлича баҳо бериш мумкин. Аммо, ана шу баҳоларнинг мажмуасигина ишларнинг ҳақиқий аҳволи тўғрисида реал тасаввур беради, қийинчиликларимиз сабабларини тушуниб етишга, олға томон ҳаракат қилишнинг тўғри йўлини ишлаб чиқишга ва шу асосда яқин бир-икки йилдаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳам, янги ҳукуматнинг бутун программасини ҳам белгилаб олишга имкон беради.

Одамлар: мамлакат иқтисодий тангликдан нима учун жуда секин чиқмоқда? — деб сўрашга ҳақлидирлар. Ана шу ва бошқа кўп саволларга жавоблар биз истасак ҳам, истамасак ҳам объектив равишда ўтмишимизда ҳам, ҳозирги пайтимизда ҳам бор.

СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев доклади юзасидан музокаралар чоғида биз 1985 йил апрелида олган мерос тўғрисидаги масала ҳам эътибордан четда қолмаган. Биз жуда кўп ўн йилликлар давомида экономикада тўпланиб қолган улкан муаммолар ва қийинчиликлар муз тоғини ҳатто қайта қуриш гоят фаол давом этган 4 йил ичида ҳам эритиб юбориш мумкин эмаслигини мутлақо аниқ-равшан тасаввур этмоғимиз керак. Шу боисдан халқ депутатларининг эътиборини яна бир марта қайта қуриш нимадан бошланганлигини пухта ўйлаб кўришга қаратмоқчиман.

Съезд олдида биз тўла масъулият билан тан олишимиз керакки, мамлакатни кризис тубига судраган юк илгари СССР ҳукумати тасаввур қилганидан ҳам анча оғирроқ бўлиб чиқди.

80-йилларнинг ўртасига келганда экономика ўзининг экстенсив ривожланиши оқибатида бир вақтнинг ўзида мамлакат олдида турган учта асосий вазифани баравар бажаришни таъминлай олмас эди:

Халқ фаровонлигини ошириш ва етилган социал муаммоларни ҳал қилиш;

Халқ хўжалигини ҳозирги давр вазифаларини ҳам, келгусидаги вазифаларни ҳам ҳал этишга имкон берадиган қилиб, самарали ривожлантириш;

Давлатнинг юксак даражадаги мудофаа қобилиятини таъминлаш.

Аввало экономикани ривожлантириш тўғрисида. Барча хўжалик системалари эскилигининг енгиб ўтиб бўлмайдиган тўсиғи, интенсивлашга, фан-техника тараққиётига мойил эмаслик экономикани ривожлантиришга тўсқинлик қилиб келди. Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида сарф-харажат механизми устун бўлди. Машинасозликнинг қолоқлиги, экономиканинг хом ашё йўналиши, истеъмол секторининг ривожланмаганлиги ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини йўл қўйиб бўлмайдиган даражада бузиб юборди, уни социал муаммоларни ҳал қилишдан четга бурib юборди. Бунга агросаноат комплекси самарадорлиги пастлигини, мамлакат чет элдан озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилишга тобора қарам бўлиб қолаётганлигини ҳам қўшиш керак.

Мудофаа вазифаларини бажариш иқтисодий вазиятни кўп даражада чигаллаштирди. СССР билан АҚШнинг ҳарбий потенциаллари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш зарурати жуда катта куч-ғайрат сарфлашни, энг яхши мутахассисларни, энг янги технологиялар ва машина-ускуналарни, камчил ресурсларни ана шу соҳага тўплашни талаб қилди.

Шундай қилиб, миллий даромаднинг анчагина қисмини сарф-харажатли экономика ва мудофаа комплекси ўмариб кетди. Одамларнинг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ асосий вазифаларни ҳал қилишга ресурслар мунтазам етишмай қолаверди. Пировард натижада ўтган беш йилликнинг ўрталарига келганда социал-маданий соҳа тўла турғунликка тушган бир пайтда аҳоли турмуш даражасини ошириш амалда тўхтаб қолди. Молиявий камомад муттасил кўпайиб борди. Аммо, бу вазият яширин келинди — халққа ҳар йили бюджет даромадлари харажатлардан кўп деб кўрсатилди.

Ана шундай мураккаб вазиятда энг аввало кризисга оғишни тўхтатиш ёки ҳеч бўлмаса секинлаштириш имкониятини топиш лозим эди. Мамлакат аслида бош берк кўчага кириб қолган эди. Танлаш имконияти йўқ эди. Қайта қуриш объектив жиҳатдан етилган эди.

1. Ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш — ҳукумат фаолиятининг энг муҳим йўналиши. Бундай аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўли туб иқтисодий ислоҳот эканлигини ҳаёт кўрсатди.

Туб иқтисодий ислоҳот совет жамиятини бутун қайта қуришда ҳақли равишда марказий ўринни эгаллади. Уни амалга ошириш программасини ишлаб чиқишни биз қуруқ жойдан бошлаганимиз йўқ. Ғоялар мисқоллаб йиғилди, назарий асослар қидирилди, чет эл тажрибаси пухта ўрганилди, экспериментлар ўтказилди. Шуни айтиш керакки, ана шу даврнинг бошида ихтилофлар кўп эди. Аммо 1987 йилга келиб, биз ишнинг ана шу босқичини тугаллай олдик ва хўжалик юритишнинг янги механизмини яратишга кенг фронт бўйлаб ўтдик.

Дастлабки қадамлар жуда қийин бўлди. Догматизм, шахсга сиғиниш даврининг асоратлари, волюнтаризм, турғунлик асоратлари ҳаракат қилишимизга жуда тўсқинлик қилди. Амалга ошириладиган ишларнинг чуқур назарий ишланмалари етишмасди. Кўп жиҳатдан биз синаб кўриш ва хатолар қилиш йўлидан бордик, ўргандик ва тағин ҳам теран қарорлар қабул қилишга тайёрландик.

Давлат корхонаси тўғрисидаги қонунни — принципиал жиҳатдан янги ҳуқуқий хўжалик ҳужжатини ишлаб чиқиш ана шулардан бири эди. Бу ҳужжат хўжалик юритиш ҳозирги системасининг ўзаги, ана шу системани барпо этишнинг пойдевори бўлди.

Ана шу система бир текис қарор топаётгани йўқ, албатта, ҳозир ҳам иқтисодий ислоҳот текис йўлдан бормаяпти. Унинг айрим элементлари қовушмаяпти. Биз буни биламиз, иш практикаси ҳам уларни кўрсатиб турибди. Баъзан эса натижалари ёқимсиз бўляпти. Аммо, умуман, корхона тўғрисидаги қонунни изчиллик билан қўлланиш бутун хўжалик вазиятини ўзгартириш учун зарур шароитни вужудга келтиради, меҳнат коллективларини самарали ишлашга ундайди.

Равшанки, экономикани соғломлаштиришга қатъият билан, бир босқич кетидан иккинчисини эгаллаш йўли билан эришиш лозим. Ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш мантиқи мамлакатда кооператив ҳаракатни қайта тиклаш зарурлигига олиб келди. Ана шу маънода, масалан, СССР кооперацияси тўғрисидаги қонун ҳақида янгиланиш йўлидаги навбатдаги босқич сифатида дадил тапириш мумкин. Бу экономикани янада демократиялаш сари жиддий силжиш бўлди. Кооперация ҳозир оғир ўсиш касаллигини бошидан кечирмоқда. Кооператив ҳаракатнинг келажаги кўп жиҳатдан унда соғлом асосларнинг қандай ривожланишига, жамиятда унинг обрўси қандай бўлишига боғлиқ.

Яна бир йилдан сўнг ижара тўғрисидаги фармон қабул қилинди. Бу эса биз мулк ва хўжалик юритишнинг хилма-хил формалари аҳамиятини янгича тушуниш томон изчил, қадамбақадам ҳаракат қилаётганимизни билдиради. Яқин вақтларгача бизда қотиб қолган тасаввурларга оид масалаларда олға силжимоқдамиз. Шуниси айниқса муҳимки, фақат назарий жиҳатдан эмас, конкрет амалий ишларда ҳам олға силжимоқдамиз.

Бошқаришни демократиялашга қаратилган изчил йўл, халқ хўжалигидаги ташкилий структураларни қайта қуриш, энг муҳими эса экономикани социал соҳага буриб юбориш бизни ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш принципларини республика ва маҳаллий бошқарув даражасида оммалаштириш заруратига олиб келди. Бу ғояни рўёбга чиқаришнинг мумкин бўлган вариантлари ишлаб чиқилди. Иттифоқдош республикалар фаолиятини ана шу принциплар асосида қайта қуришнинг умумий қоидалари лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

Ана шу қоидалар муҳокама жараёнида асосан қўллаб-қувватланди. Аммо, ўртоқлар, сизлар бу масалада бир қанча республикаларнинг концепциясини ҳам биласизлар. Съездда бу концепция бир неча бор айтилди.

Очиғини айтишим керак, ана шу республикалар тасаввур қилаётган регионал хўжалик ҳисоби муаммосининг кўп жиҳатлари жозибали бўлиб, уларда соғлом амалийлик элементлари бор. Шу билан бир вақтда уларнинг кўп жиҳатдан иқтисодий бинқликка олиб борадиган баъзи таклифлари, шунингдек бир қанча бошқа принципиал қоидалари баҳсли бўлиб, бизнингча республикаларга фойда келтирмайди.

Ҳозир бутун дунёда кўратли интеграция жараёнлари бормоқда — объектив ҳаётий эҳтиёж ана шундай. Шу сабабли муваффақиятга олиб борадиган чинакам йўлни кучларни жипслаштиришда, ҳар бир республиканинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олиб, меҳнат тақсимотини чуқурлаштиришда, иқтисодий алоқаларни ўзаро манфаатли асосда кенгайтириш ва умумиттифоқ бозорини тезроқ барпо этишда излашимиз керак.

Таклиф этилаётган регионал хўжалик ҳисоби механизмининг айрим элементлари афзалликлари ва камчиликларини таҳлил қилишга алоҳида тўхталишга зарурат бўлмаса керак, чунки, олдинда тегишли қонунни тайёрлаш ва муҳокама қилишга доир катта ишлар турибди. Бу масалада ҳукуматнинг фикри шундайки, мамлакат ҳар қандай регионни социал-иқтисодий ривожлантириш форма ва методлари хилма хил бўлганда ҳам биз сиёсий жиҳатдан СССРнинг федератив қурилишини бузмаслигимиз, иқтисодий жиҳатдан эса халқ хўжалиги комплексининг ўз янги мазмуни билан парчаланиб кетишига йўл қўймаслигимиз керак. Назаримда бу масалаларни фақат биргаликда кўриб чиқиш лозим бўлади.

Шундай қилиш керакки, 1991 йилдан бошлаб барча республикалар ва регионлар ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитига ўтсин, келаси беш йилликка тайёрланаётган барча норматив ҳужжатлар ана шу принципларга мос бўлиши лозим. Аммо бу регионал хўжалик ҳисобининг энг муҳим элементларини 1990 йилда айрим республикаларда пишиқтириш мумкинлигини истисно қилмайди.

Ислоҳотнинг бошқарув ташкилий структурасини такомиллаштириш каби катта бўлимига батафсилроқ тўхталиб ўтишни истардим. Съездда бу масалага гоят жиддий эътибор берилди. Ҳукумат бу соҳада қандай иш қилди?

Энг аввало, бизнинг кучғайратларимиз экономиканинг асосий бўғинида хилмахил структураларни вужудга келтиришга қаратилди. Масалан, 800 га яқин янги ишлаб чиқариш, илмий-ишлаб чиқариш ҳамда шунга ўхшаш бирлашмалар тузилди. Ҳозир бир неча давлат концернлари, консорциумлари ва идорага бўйсунмайдиган дастлабки корпорациялар ишлаб турибди. Шунн ҳам айтиш керакки, бу соҳада ҳам хатоларга йўл қўйилди. Давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг (ДИБ) ачинарли тажрибаси эсингизда дир. Бошқа нарса режалаштирилган эди, амалда эса идоралар пайдо бўлди. ДИБ тўғрисидаги низомни бекор қилишга тўғри келди. Ҳаётнинг ўзи ўқитмоқда.

Бошланғич бўғиндаги ўзгаришлар бошқарувнинг юқори бўғинларини такомиллаштиришни бошлаб юборишга имкон берди. Бир қанча министрликлар ва идоралар тугатилди, уларнинг бир қисми Умуминттифоқ министрликлари ва идораларига айлантирилди. Умуман, мамлакатда давлат бошқарув аппарати 600 минг кишига камайди.

Ишлаб чиқаришнинг асосий бўғини даражасида хўжалик юритишнинг янги формалари барпо этилиши, бевосита алоқалар ва улгуржи савдо ривожланиши билан, шубҳасиз экономикани бошқариш системаси такомиллашиб боради, тармоқ министрликларининг сони камаяди, уларнинг вазифалари эса жиддий равишда ўзгаради. СССР Конституциясига мувофиқ съезд тасдиқлаган Министрлар Советининг Раиси Олий Советга мазкур доклад юзасидан конкрет таклифларни киритади.

Юқорида айтилганларнинг пировардида шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, мен бу ерда сўзга чиққан ўртоқларнинг фикрига тўла қўшиламан: туб иқтисодий ислоҳот қийинчилик билан ўтмоқда. Қабул қилинган бир қанча қарорлар хўжалик юритишнинг реал шароити муносабатя билан ярим-ёрти характерга эга бўлди. Ислоҳот ҳозир энг қийин ва масъулиятли босқичда турибди, у раҳбарликнинг директив методлари ва иқтисодий методлари бирга амал қилиб турган ўтиш даврининг мураккаб шароитида ҳаётга бардошлик синовидан ўтмоқда. Бу кўп жиҳатдан шунга боғлиқки, биз ислоҳотни изчиллик билан амалга ошириб, унинг асосий принципларини пухталаштириб, айни пайтда мамлакатда иқтисодий барқарорликнинг бузилишига йўл қўймаслигимиз керак.

Шу муносабат билан бошқарувнинг чинакам иқтисодий методларига содиқлигимни аниқ-равшан қилиб таъкидлаб ўтмоқчиман. Туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш давомида биз хўжалик юритиш социалистик системаси янги моделини шакллантиришга тобора яқинлашаверамиз, деб илгари ҳам айтган эдим.

Ҳозир илмий жамоатчилик орасида, матбуотда ана шундай иқтисодий моделнинг асосий принциплари тўғрисида катта мунозара кетмоқда. Ҳукуматнинг мавқеи экономикамизда социалистик бозор ва рақобатнинг ролини тан олишга асосланади. Лекин ишончим комилки, агар биз бозорни тартибга солиб туришнинг граждан-лар манфаатларини бозор стихиясидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган самарали иқтисодий механизмини вужудга келтирсакгина хўжалик юритишнинг янги системасида бозор муваффақиятли ривожлана олади ва инсон манфаатларига хизмат қилади.

Монополизмни бартараф этиш бозорни ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир. Бизда монополизм ҳали жуда кучли бўлиб, мавжуд нуқсонларимиз ва ташвишларимиз, айниқса нарх белгилаш соҳасидаги қийинчиликлар кўп жиҳатдан монополизм билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда мингдан ортиқ катта ва жуда катта саноат корхоналари истеъмолчига ўз шартларини мажбуран ўтказиб келмоқда. Барча тармоқларда рақобатни ривожлантириш йўли жуда зарурлиги равшан. Бизнингча, бунинг учун монополияларга қарши қонун ишлаб чиқиш керак. Ҳозир СССР Фанлар академияси Экономика институти ҳамда АҚШ ва Канада институти ана шундай қонун лойиҳаси устида ишламоқда. Чамаси лойиҳа шу йилнинг ўзидаёқ СССР Олий Советига тақдим қилинади.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

СССР Олий судининг Раисини сайлаш тўғрисида

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Евгений Алексеевич **Смоленцев** СССР Олий судининг раиси этиб сайлансин.

СССР Бош прокурорини тайинлаш тўғрисида

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Александр Яковлевич **Сухарев** СССР Бош прокурори этиб тайинлансин.

СССР Бош давлат арбитрини тайинлаш тўғрисида

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Юрий Геннадиевич **Матвеев** СССР Давлат бош арбитри этиб тайинлансин.

СССР Олий Советининг комитетлари тўғрисида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети **қарор қилади:**

1. СССР Олий Советининг қуйидаги комитетлари тузилсин:

Халқаро ишлар комитети;

Мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари комитети;

Қонун чиқариш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети;

Халқ депутатлари Советларининг иши, бошқариш ва ўзўзини бошқаришни ривожлантириш масалалари комитети;

Иқтисодий ислоҳот масалалари комитети;

Аграр масалалар ва озиқ-овқат комитети;

Қурилиш ва архитектура масалалари комитети;

Фан, халқ маорифи, маданият ва тарбия комитети;

Халқ соғлиғини сақлаш комитети;

Хотин-қизлар, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари комитети;

Ветеранлар ва инвалидлар ишлари комитети;

Ёшлар ишлари комитети;

Экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комитети;

Ошкоралик, гражданларнинг ҳуқуқлари, шикоят ва аризалари масалалари комитети.

2. Комитетларнинг фаолиятини белгилаб берадиган янги ҳуқуқий ҳужжат қабул этилгунга қадар СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг доимий комиссиялари тўғрисидаги Низом амал қилишининг асосий принциплари ва иш тартиби, уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари қисми СССР Олий Советининг комитетларига жорий этилсин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Миллатлар Советининг доимий комиссиялари тўғрисида

Миллатлар Совети **қарор қилади:**

Миллатлар Советида қуйидаги доимий комиссиялар тузилсин:

Миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссияси;

Иттифоқдош ва автоном республикаларни, автоном областлар ва округларни социал ҳамда иқтисодий ривожлантириш масалалари комиссияси;

Халқ истеъмол моллари, савдо, аҳолига коммунал-маиший хизмат ва бошқа хизматлар кўрсатиш комиссияси;

Маданият, тил, миллий ва интернационал анъаналарни ривожлантириш, тарихий меросни муҳофаза қилиш масалалари комиссияси.

ҚАТЪИЙ, ПРИНЦИПИАЛ ПОЗИЦИЯЛАРДА

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

7 июнь куни СССР Олий Советининг биринчи сессиясида депутатлар СССР Халқ контроли комитетининг раиси билан СССР Олий судининг раисини сайлаш, СССР Бош прокурорини ҳамда СССР Бош давлат арбитрини тайинлаш тўғрисидаги масалага ҳам ўтдилар. СССР Конституциясига мувофиқ ушбу лавозимларга номзодларни ҳам СССР Олий Советининг Раиси СССР Олий Советига тақдим этади.

М. С. Горбачев Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбинни СССР Халқ контроли комитетининг раиси этиб сайлаш тўғрисида таклиф киритади. Ҳозир СССР Халқ контроли комитетининг раиси бўлиб ишлаётган С. И. Манякин пенсияга чиқиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилган.

М. С. Горбачев Г. В. Колбинни таърифлаб шуни таъкидладики, турмушни билиши нуқтаи назаридан ҳам, партия ва давлатда у бажараётган вазифаларнинг муҳимлиги нуқтаи назаридан ҳам тажрибали киши тўғрисида гап боряпти: жуда таъбаббускор, илғор, принципиал киши ҳақида гап боряпти. Биз ўртоқ Колбин тўғрисида билган нарсалар менга шундай дейиш имконини беради, деб таъкидлади СССР Олий Советининг Раиси. Ҳаётининг анчагина қисми ўтган Свердловскда уни яхши билишади. у Нижний Тагиль шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бўлган эди.

Уни Грузияда ҳам жуда дилкаш, эътиборли киши сифатида билишади, у ерда уни қадрлашарди ва ҳатто у бошқа ишга ўтганида ачинишди ҳам. У Грузия меҳнаткашлари билан яхши алоқада эди. Э. А Шеварднадзе билан бирга у ерда кўпгина фойдали ишлар қилди.

Г. В. Колбин гарчи узоқ вақт бўлмасада, Ульяновск область партия комитетида фаол ишлади. Биз Г. В. Колбиннинг ҳаётий, партиявий тажрибасини, сиёсий ва инсоний фазилатларини эътиборга олиб, уни Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига тавсия этган эдик.

Ҳозир Қозоғистонда катта ишлар жиддий равишда олиб борилмоқда. Бу ерда кўп нарса ҳозир — озиқ-овқат комплекси соҳасида ҳам, уй-жой қурилишида ҳам, социал адолат масалаларида ҳам одамларнинг социал-эҳтиёжлари томон қаратилди. Бу ўзгаришлар кўп жиҳатдан ўртоқ Колбиннинг принципиал позицияси билан изоҳланади.

Ўз таклифимни соф виждон билан киритяпман, деб таъкидлади М. С. Горбачев. Мазкур комитетда қайта қуришга содиқ бўлган принципиал, жиддий, мустақил киши керак. Г. В. Колбиннинг номзоди муносибдир.

Г. В. Колбин депутатларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди.

СССР Халқ контроли комитети раиси лавозимига Г. В. Колбиннинг номзодини муҳокама қилиш чоғида депутатлардан **С. В. Бойков, В. И. Воскобойников, И. Б. Шамшев, К. А. Шопанаев, Е. Рахмадиев, А. М. Масалиев, А. Д. Меньшатов, С. В. Васильев, В. И. Дикуль, В. А. Шеховцов, В. Д. Юдин, Э. Ю. Юсупов, В. И. Прокушев, А. А. Коршунов, Н. И. Игнатович, Ю. В. Неелов, Б. Н. Ельцин** ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Баъзи депутатлар бошқа бир номзод сифатида СССР Халқ контроли комитетининг раиси лавозимига Б. Н. Ельцин номзодини кўрсатдилар.

(Давоми тўртинчи бетда).

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштиришдек ғоят муҳим соҳада янги ҳукумат вазифаларини умумлаштириб, қуйидагилар бу соҳадаги энг муҳим йўналиш бўлиб қолиши керак, деб ҳисоблайман:

Биринчидан — иттифоқдош республикалар ва маҳаллий Советларнинг иши регионал хўжалик ҳисоби принциплари асосида қайта қурилиши лозим. Фақат иқтисодий аҳамиятгагина эмас, балки катта сиёсий аҳамиятга ҳам эга бўлган бу муаммони мен биринчи ўринга қўяман;

иккинчидан — мулкнинг турли шаклларидан ва янги структура бўлинмаларидан фойдаланиш базасида хўжалик ҳисоби моделларини такомиллаштириш. Қонун чиқарувчи органлар ва ижро этувчи ҳокимият иқтисодий ва ҳуқуқий тартибга солишнинг ана шундай нормаларини ишлаб чиқишлари, бир қанча ҳолларда эса мажбурийлик ва рақобат асосида хўжалик юритишнинг барча шаклларини ривожлантириш учун баравар шароит яратиш мақсадида амалдаги қонунларни қайта кўриб чиқишлари лозим бўлади;

учинчидан — бозор муносабатларига асосланган бошқарувнинг замонавий самарали методларини яратиш. Бозорни ривожлантириш шароитида уни давлат йўли билан тартибга солиш халқ фаровонлигини юксалтириш ҳамда уни социал жиҳатдан ҳимоя қилиш вазифаларини ҳал қилиш мақсадида амалга оширилади;

тўртинчидан — солиқ сиёсатининг давлат, республикалар, маҳаллий Советлар, корхоналар ва аҳоли ўртасидаги адолатли молиявий муносабатни таъминлайдиган янги принципларини ишлаб чиқиш.

Шубҳасиз, иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш ва такомиллаштириш жараёнларининг ўз диалектикаси, мантиқи ва ривожланиш босқичлари бор. Бизнинг вазифамиз — ана шуларни аниқ ва равшан тасаввур этишдан иборат.

II. Структура ўзгартишлари ва экономикани социал соҳага буриб юборишнинг дастлабки якунлари. Шу билан бирга, ўртоқлар, туб иқтисодий ислоҳот халқ хўжалиги структурасини чуқур қайта қуришга доир катта тадбирларни амалга ошириш билан бир вақтда ўтказилиши кераклиги мутлақо равшан.

Экономиканинг таркиб топган структураси ғоят консерватив ва вазминлигича қолмоқда. Бу ҳақда шунга асосланиб гапириш мумкинки, хом ашё, яъни оралиқ маҳсулот ишлаб чиқарадиган халқ хўжалик комплексларида барча асосий саноат ишлаб чиқариш фондларининг 60 процентдан кўпроғи мужассамлашган. Одамларнинг кундалик эҳтиёжларини таъминлайдиган тармоқда бундай фонд жуда кам: енгил саноатга атиги 4 процент ва озиқ-овқат саноатига —6 процент тўғри келади.

Тарихан таркиб топган ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни устун даражада ривожлантириш тенденциясини бузиб ташламай туриб, экономикани халқ томонга қаратиб бўлмайди. Халқ хўжалигида туб структура ўзгартишларини амалга оширишнинг моҳияти ана шундадир.

Ана шу муҳим муаммонинг яна бир жиҳатига тўхталмоқчиман. Бизда бир неча ўн йиллар давомида, индустрлаштириш давридан буён мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш-техника потенциали дунёдаги энг қудратли ва замонавий потенциал деган тасаввур таркиб топган. Қудратга келганда эса, ҳақиқатан ҳам шундай. Айни шу қудратли потенциал мамлакатимизнинг энг кучли ва нуфузли давлатлардан бирига айланишига имкон берди. Ишлаб чиқариш-техника потенциалининг илғорлиги ва замонавийлигига келганда эса, реал аҳволни таҳлил этиш 1,9 триллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларининг 40 проценти эскириб қолганлигини кўрсатди. Шак-шубҳасиз бундай аҳвол экономиканинг самарадорлигига жуда салбий таъсир ўтказади. Бу маҳсулотнинг илғор турларини ўзлаштириш, меҳнат унумдорлиги ва меҳнат шароити, буюмларнинг сифатидан бошлаб мамлакатнинг кўпгина регионларидаги экология ҳолатигача — ҳамма нарсага таъсир қилмоқда.

Асосий фондларни техника билан қайта жиҳозлаш муҳим масалалардан бири бўлади, албатта. Бироқ ўз имкониятларимизга реал баҳо беришимиз керак (чунки, биз ҳозирги вақтда бу вазифани ҳал қилишга кенг жабҳа бўйлаб кириша олмаймиз) — мамлакатимизда бунинг учун объектив зарур шароит йўқ. Вазифа асосий йўналишларни, энг аввало, одамларнинг ҳаёти билан боғлиқ йўналишларни танлаб олишдан иборат. Халқ хўжалигини модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш учун шароит яратишга қудратли замонавий машинасозлик зарур бўлади. Ана шунга асосланиб келгусида машинасозликни устун даражада ривожлантириш лозим.

Ўртоқлар!

Бутун халқ хўжалигини социал соҳага қаратиб, структура бурилиши қилиш асосий, айтишим мумкинки, энг қийин вазифа бўлди.

Ўнлаб йиллар давомида жамиятимиз тараққиётига асосан миқдор кўрсаткичларига — қанча кўмир ва маъдан қазиб чиқарилганига, қанча чўян ва пўлат эритилганига, қанча экинзорларимиз борлигига ва шу кабиларга қараб баҳо бериб келдик. Ривожланган бутун дунёда миқдор кўпайиши эмас, балки ана шу миқдорнинг сифати миллат ютуқларининг чинакам мезонига айланган пайтни қўлдан бой бердик. Натижада ғоят қониқарсиз социал кўрсаткичларга етиб келдик.

Бу, аввало, одамларнинг турмуш шароитидир. Бу сўзлар ортида ҳаммага таниш бўлган манзаралар: уй-жойнинг етишмаслиги, транспортдаги тиқилинч, товарларнинг сурункали камчиллиги, одамларга ҳурматсизлик, жамиятда авж олиб бораётган социал кескинлик манзаралари турибди. Турмушда ҳаловатнинг йўқлиги кўп одамларда ночорлик туйғусини уйғотмоқда, кексалар ва инвалидлар, болалар ва аёллар елкасига оғир юк бўлиб тушмоқда.

Бизнинг экономикамиз каби мураккаб система қўламлари жуда катталиги, сустлиги сабабли уни соғломлаштириш жараёни ҳам унча жўн эмаслигини таъкидлашим керак. Аммо турғунлик тенденцияларини бузиб ташлаш муҳим эди. Фақат 1988 йилдагина муайян ижобий структура силжишларига эришилди.

Миллий даромаднинг тақсимланишини олиб кўрайлик. Илгари миллий даромаднинг ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга сарфланадиган қисми муттасил кўпайтирилиб борилар, бинобарин истеъмолга сарфланадиган ресурслар улуши шунга мувофиқ равишда камайиб борар эди. Энди аҳвол ўзгара бошлади. Буни мамлакат давлат бюджети харажатларидан яққол кўрса бўлади. Харажатлар умуман 1989 йилда 1985 йилга нисбатан 26,4 процент кўпайган бўлса, социал-маданий тадбирларга харажатлар деярли 33 процент, шу жумладан, маорифга харажатлар — 34 процент, соғлиқни сақлашга харажатлар — 45 процент кўпайди, уй-жой қурилиши харажатлари пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 37 процент кўпайди.

Ушбу беш йилликда социал-маданий соҳанинг моддий базасини ривожлантиришнинг қолдиқ принципи бартараф этилди, деб ҳозир ишонч билан айтиш мумкин. Ноишлаб чиқариш соҳалари қурилишига сарфланаётган инвестициянинг ўсиш суръати ишлаб чиқариш капитал маблағлари сарфидан 2 баравардан зиёдроқ ўзиб кетмоқда. Олдинги беш йилликка нисбатан 1986—1990 йилларда ноишлаб чиқариш соҳасидаги қурилишларга қўшимча маблағ қарийб 80 миллиард сўмни ташкил этади. Айтайлик, агар ўнинчи беш йилликда уй-жойларни фойдаланишга топшириш ундан олдинги беш йилликка нисбатан ҳатто 17,5 миллион квадрат метр камайиб кетган, ўн биринчи беш йилликда эса амалда кўпаймаган бўлса, ушбу беш йилликда деярли 100 миллион квадрат метр кўпаяди. Умумтаълим мактаблари қурилишида ҳам шундай манзара вужудга келмоқда. Ўнинчи беш йилликда умумтаълим мактабларини фойдаланишга топшириш деярли 1,3 миллион ўрин камайган бўлса, ўн биринчи беш йилликда 1,5 миллион ўрин камайди, бу йил эса 2,5 миллион ўринли мактаблар ишга туширилиши таъминланади. Олдинги икки беш йилликда касалхоналарни фойдаланишга топшириш 28 минг ўрин камайган бўлса, шу беш йилликда 65 минг ўрин кўпаяди.

Уй-жой программасининг бажарилиши янги ҳукуматнинг, шубҳасиз, доимий эътиборида бўлишини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки, олдимизга қўйилган вазифани уддалаш учун салкам 30 миллион квартира қуриш талаб қилинади. Бинобарин келгуси беш йилликдаёқ ҳозирги беш йилликдаги 650 миллион ўрнига 850 миллион квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширишни таъминлаш зарур. 900 миллион квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширсак тағин ҳам яхшироқ бўлади. Бу 18 миллион оиланинг уй-жой шароитини яхшилашга имкон беради.

Ҳозирги беш йилликда экономиканинг социал йўналишини кучайтиришда катта қадам қўйилди. Бироқ ҳеч бўлмаса, жамиятнинг энг ўткир социал муаммоларини ҳал қилиш учун илгари мамлакатимизда ҳеч қачон бундай кўламда ўтказилмаган структура-инвестиция характеридаги катта иқтисодий қайта қуришни амалга ошириш зарур. Бу қийин, ҳатто жуда оғир жараён бўлади, лекин шундай қилиш керак.

III. Социал сиёсат — ҳукумат келгуси фаолиятининг ўзагидир. Шубҳасиз, янги тузилган СССР Министрлар Совети ўз ишини ҳар бир киши ва умуман бутун жамият учун ғоят муҳим бўлган мақсадга эришишга — озиқ-овқат маҳсулотлари, товарлар ва хизматга, уй-жой, соғлиқни сақлаш, маорифга эҳтиёжларни қондиришга, халқнинг маънавий ўсиши имкониятларини таъминлашга, табиий муҳитни сақлаб қолишга бўйсундиради.

Шу беш йилликдаёқ ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқариш масалалари ҳукуматнинг диққат марказида бўлди. Уч йил ичида бундай моллар ишлаб чиқариш 32 миллиард сўмлик (18 процент) кўпайди, бу эса, амалда бутун ўтган беш йилликдаги ўсишга тенгдир.

Шунга қарамай, бу аҳволни нормаллаштириш учун етарли бўлмади. Ноозиқ-овқат молларини чет эллардан келтириш камайтирилганлиги истеъмол бозорига таъсир қилди, четдан келтирилган ноозиқ-овқат моллари бозор фонди 1988 йилда 1985 йил даражасида бўлди.

Бу эса товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бундай товарларни ишлаб чиқариш моддий базасини юксалтириш ва такомиллаштириш учун қўшимча чоралар кўришни талаб қилди. Енгил саноат корхоналарини техника билан қайта қуроллантириш программаси ишлаб чиқилди ва 1988 йилда қабул қилинди. Биз ана шу тармоқ учун замонавий техника ва технология сотиб олиш учун валюта қийинчиликларига қарамай, хорижий мамлакатлардан бир миллиард сўмликдан кўпроқ қарз олишга ҳам рози бўлдик.

Истеъмол бозоридаги аҳволни нормал изга солишни жадаллаштириш учун ишлаб турган кўпгина корхоналарнинг профилини ўзгартиришга қарор қилинди. Мудофаа заводларини бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказиш ҳам шу мақсадга қаратилган.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, биз 1990 йилда ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни 1989 йилга нисбатан камида 45—50 миллиард сўмлик (20 процент) кўпайтиришимиз керак, бу эса ўтган уч йил давомидаги ўртача йиллик ўсишдан деярли беш баравар кўпдир.

1990 йил плани лойиҳасини тайёрлаш чоғида СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари айни ана шундай мақсадга эришишга йўналтирилган. Хомаки планлар шуни кўрсатмоқдаки, келгуси йилда 1989 йил планига нисбатан кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш — 3,1 баравар, тикувчилик машиналари ишлаб чиқариш — 20 процент, радио қабул қилиш қурилмалари ва магнитофонлар ишлаб чиқариш— 16 процент, мебель ишлаб чиқариш — 12 процент кўпайтирилишига эришиш мумкин.

Ҳукумат аҳолига пуллик хизматни кенгайтириш чораларини кўрди. Беш йилликнинг уч йилида бундай хизмат ҳажми деярли 38 процент кўпайди ва беш йиллик пландаги 58 миллиард сўм ўрнига 1988 йилда 62 миллиард сўмдан ошиб кетди. Аммо биз ҳали хизмат индустриясини барпо этишимиз лозим бўлади.

СССР Олий Совети Раисининг докладида соғлиқни сақлаш ва маорифни ривожлантиришга сарфланаётган куч-ғайратлар таъкидлаб ўтилди. Шу масалалар юзасидан халқ депутатларининг қаттиқ танқидлари эшитилди, амалий таклифлар ҳам киритилди. Янги тузиладиган ҳукумат, шубҳасиз, бу таклифларни долзарб муаммоларни ҳал қилишга асос қилиб олади. Фақат шуни илова қилмоқчиманки, биз бутун соғлиқни сақлаш системасини сифат жиҳатидан янги маррага олиб чиқишимиз зарур. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, ресурсларни шу соҳага жамлаш, жумладан, мудофаа харажатларини қисқартириш ҳисобига жамлаш 500 минг ўринли янги касалхоналар, бир сменада бир миллион кишини қабул қиладиган поликлиникалар қуриш, даволаш-профилактика муассасаларини қайта жиҳозлаш, замонавий медицина техникаси етказиб беришни 2,5 баравар кўпайтириш учун имконият яратади. Аҳолининг ҳозир жуда тақчил бўлиб қолган дори-дармонларга эҳтиёжларини қондириш масалаларини пухта ўйлаб кўриш керак.

Бизнинг фармацевтика саноатимиз мамлакатимизнинг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжининг атиги 45 процентини таъминлаётганлигини айтиш лозим. Биз Ватанимиз фармацевтикасини ривожлантириш юзасидан катта тадбирлар комплексини амалга оширишимиз зарур. Бу соҳада ҳам иттифоқдош республикалар жиддий равишда куч-ғайрат сарфлашлари керак, чунки ҳозирги вақтда экология вазиятининг кескинлашганлиги сабабли бир қанча корхоналарни ёпиб қўйишга тўғри келди, бу эса дори-дармонлар билан таъминлашдаги аҳволни тағин ҳам қийинлаштирди. Биз масалани тез ҳал қилиш мақсадида уч-тўртта фармацевтика заводини қуриб битказиш, шунингдек, тайёр дори-дармонларни чет эллардан харид қилишни кўпайтириш имкониятларини қидириб топиш мумкинлигини истисно этмаймиз.

Энди халқ депутатларини ғоят ташвишга солган масалаларни алоҳида ажратиб кўрсатмоқчиман. Гап ҳеч ким лоқайд қололмайдиган ва лоқайд қолиши мумкин ҳам бўлмаган масалалар ҳақида бормоқда. Бу аҳолининг муайян группалари моддий таъминотига тааллуқлидир.

Ўн иккинчи беш йиллик давомида ана шу муаммони ҳал этишга қаратилган бир қанча марказлаштирилган шошилинч тадбирлар амалга оширилди. Меҳнаткашлар айрим категорияларининг иш ҳақи кўпайтирилди. Шуни ҳам айтишим керакки, бу соҳада биз, ноқулай молиявий вазиятга қарамай, кўп жиҳатдан партия XXIV съездидан кейин вужудга келган эски қарзларимизни уздик.

Биз ҳеч бўлмаганда кам таъминланган оилаларга, болали оналарга ёрдам бериш жуда муҳим, деб ҳисобладик.

Уч йил мобайнида аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ижтимоий истеъмол фондларидан тўловлар ва имтиёзлар 83 сўм кўпайди ва 1988 йилда 613 сўмга етди.

Социал сиёсат ҳақида гапирар эканман, гарчи бу ерда шу ҳақда кўп гапирилган бўлса ҳам, пенсионерлар, инвалидлар, кўп болали оилалар ва ёш оилалар сингари аҳолининг социал жиҳатдан жуда заиф муҳофаза қилинган группаларининг моддий аҳволи учун жамият ва давлатнинг масъулияти тўғрисидаги масалани алоҳида таъкидлаш лозим, деб ҳисоблайман.

Шу масала хусусида менга кўпгина халқ депутатлари сўров билан мурожаат қилдилар.

Ҳозир қарийб 40 миллион киши жуда камбағал яшаётганлигини ҳукумат кўриб-билиб турибди. Шу боисдан ҳам мамлакатда таркиб топган кўпдан-кўп социал муаммолар орасида бу муаммо социал адолатсизликдан, айниқса, жамиятга меҳнати кўп сингган одамларга нисбатан социал адолатсизликдан далолат берувчи жуда оғриқли муаммодир. Шунинг учун ҳам биз пенсия таъминоти тўғрисидаги янги Қонунга алоҳида аҳамият бермоқдамиз, ҳозир бу қонунни ишлаб чиқиш юзасидан фаол иш олиб борилмоқда. Бу ўринда биз қатъий позицияда турибмиз — бошқа социал масалаларни ҳал этишни кечиктирсак ҳам, пенсия таъминоти муаммосини ўн учинчи беш йилликда ҳал этишимиз керак (Қарсаклар).

Айни вақтда шу нарса мутлақо равшанки, айрим масалаларни пайсалга солиб бўлмайди. Съездда бу ҳақда бир неча марта жонкуярлик билан гапирилди.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва ҳукумат келажакда қабул қилинадиган пенсиялар тўғрисидаги Қонун доирасида амалга ошириладиган бир қанча ниҳоятда ўткир ва пайсалга солиб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этиш муддатларини тезлаштириш имкониятини ҳар томонлама чамалаб кўрдилар. Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва СССР Министрлар Совети келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб қуйида баён этилган тадбирларни амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблайдилар, ўйлайманки, халқ депутатлари ана шу позицияни маъқуллайдилар:

Ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар пенсиясининг минимал миқдорини пенсия таъминотидаги тафовутларни йўқотиб, ойига 70 сўмгача ошириш, яъни ҳозирги вақтда амал қилаётган ишчилар ва хизматчилар иш ҳақининг минимуми даражасига кўтариш. Бу 20 миллион киши, жумладан, 8 миллион колхозчининг моддий аҳволини яхшилаш имконини беради;

Биринчи группа инвалидларига пенсияларнинг минимал миқдорини 80 сўмгача, иккинчи группа инвалидларига эса пенсияларнинг ана шундай миқдорини 60 сўмгача кўпайтириш, бу 1 миллиондан кўпроқ кишининг пенсияси кўпаяди, демакдир;

Ҳарбий хизматчи ҳалок бўлиши сабабли боқувчисидан ажраб қолган беваларга ойлик пенсия миқдорини 60 сўмгача ошириш, шунингдек, уларни имтиёзлар жиҳатидан Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига тенглаштириш — бу 800 минг киши демакдир;

Уруш инвалидларига пенсияларнинг максимал миқдоридан қатъи назар, қарилик пенсиясига қонун йўли билан белгилаб қўйилган ойига 15 сўм миқдорида қўшимча тўлансин — бу 300 минг киши демакдир;

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг беваларига дори-дармонларни бепул олиш ҳуқуқи берилсин, бу 7 миллион киши демакдир;

Уруш қатнашчиларига, шунингдек уруш йилларида фидокорона меҳнати учун орден ва медаллар билан мукофотланган кишиларга шаҳар ичида қатнайдиган транспортда бепул юриш ҳуқуқи берилади, бу қарийб 6 миллион кишидир.

Шундай қилиб, келгуси йилнинг ўзидаёқ қарийб 22 миллион киши ўз турмушидаги социал ўзгаришларни ҳис этади. (Қарсаклар).

Жуда кўп илтимосларни ҳисобга олиб, 1990 йилдан бошлаб, қанча пенсия олишаётганидан қатъи назар, меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ишчи пенсионерлар учун барча чеклашларни бекор қилиш таклиф этилмоқда. Бу қарийб 7 миллион кишининг меҳнатдан моддий манфаатдорлигини кучайтиради (Қарсаклар).

Бунинг учун қарийб 6 миллиард сўм керак бўлади. Ҳукумат шу яқин орада манбаларни аниқлайди ва бу манбаларни СССР Олий Совети комиссиялари ва комитетлари билан биргаликда кўриб чиқади. Айни вақтда шу нарса мутлақо равшанки, мазкур муаммони ҳал этиш бутун жамиятнинг, ҳар бир корхона ва ташкилотнинг ишидир.

Жамиятда етилиб турган ана шу ва бошқа ўткир сиёсий муаммолар катта молиявий ресурсларни талаб этади, албатта. Экономиканинг самарадорлиги ортсагина, бундай ресурслар олинади. Фақат шундагина бу муаммолар ҳал этилиши мумкин.

Съезд иши чоғида М. С. Горбачев таклифига мувофиқ, давлатда таркиб топган имтиёзлар системаси тўғрисидаги масалалар комплексини кўриб чиқиш учун халқ депутатларидан иборат комиссия тузилиши керак. Шуни ҳисобга олиб, мамлакат раҳбарияти ҳозирнинг ўзидаёқ социал адолат принципларига таяниб, турли медицина муассасаларида, шунингдек идораларга қарашли санаторийлар ва дам олиш уйларида, жумладан СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги 4-бош бошқармада беморларни боқиш ва даволашдаги тафовутларни бартараф этишни таклиф қилади. (Қарсаклар).

IV. Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш лозим. Муҳтарам халқ депутатлари! Агросаноат комплексини ривожлантириш ва аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш масалаларига алоҳида тўхтамоқчиман. Бу мавзуда гапириш ниҳоятда мушкул. Бу хусусда шунчалик кўп гапирилди, шунчалик кўп қарорлар қабул қилиндики, уларнинг барчаси бажарилса, муаммо йўқ бўлиб кетадигандек. Лекин бу муаммо бор ва ҳатто кескинлашмоқда. Демак, неча ўн йиллар давомида қабул қилинган тадбирлардан кўзда тутилган мақсадларга эришилмади, бош бўғиннинг манфаатларига, улар аввало деҳқонларнинг манфаатларига жавоб бера олмади.

Мамлакатда экономиканинг ана шу секторини ўпирилишдан чиқариш учун жуда катта куч-ғайрат сарфлангандек кўринади. Бу соҳага тобора кўп инвестиция, техника, моддий ресурслар сарфланди. Шаҳарнинг қишлоққа оталиқ ёрдами, деб аталмиш ёрдам ташкил этилди. Бу тадбирлар кенг миқёсларда амалга оширилди, лекин тадбир ёғилиб кетган бўлса ҳам, ерда бевосита ишлаётган киши панада қолиб кетаверди. Бунинг устига, марказдан чиқаётган кўпгина ташаббуслар, регионлардаги ташаббуслар шунга олиб келдики, деҳқон ҳамма жойда хўжаликларни йириклаштириш ва майдалаштириш, хуторлар ва майда қишлоқлар аҳолисини кўчириб юбориш, томорқаларни тенг ярмига қисқартириш ҳамда шахсий хўжаликда чорва молни йўқотишдек хилма-хил экспериментларнинг объектига айланиб қолди.

Қишлоқда маҳсулотни етиштиришнинг ўсиш суръатлари муттасил пасайиб бораверди. Агар олтмишинчи йилларнинг охирида шу маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши 27 миллиард сўмни ташкил этиб, совет кишилари ўз дастурхонларида қўшимча нозу неъматлар пайдо бўлишига умид қилган бўлсалар, шундан кейин ана шу умид тобора сусая бориб пучга чиқди. Тўққизинчи беш йилликда ўртача йиллик ўсиш 20 миллиард сўмга, ўнинчи беш йилликда 15 миллиард сўмга, ўн биринчи беш йилликнинг охирида эса 10 миллиард сўмга тушиб қолди. Аммо шунга қарамай, ўша вақтда қишлоқдаги офат чинакамига бутун давлатнинг офатига айланмади. Бу ҳақда ҳамма жойда гапирилса ҳам, аммо бошқарувнинг барча даражаларида бу офат мавҳум деб қабул қилинди.

Агросаноат комплексимизнинг ниҳоятда заифлиги тобора аниқ-равшан кўрина бошлади. Етарлича ресурслар ва страхование фондлари йўқлиги сабабли чет элдан тобора кўп миқдорда маҳсулот сотиб олишга мажбур бўлди. 1964 йилда импорт йўли билан 1,4 миллиард сўмлик ана шундай маҳсулот сотиб олинди. 70-йилларнинг ўрталарида импорт 6 миллиард сўмга, 1981 йилда 15 миллиард сўмга етди.

1985 йилда давлат ва кооператив савдода сотилган 111 миллиард сўмлик озиқ-овқат товарларидан қарийб 16 миллиард сўмлиги импорт қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келди.

Сўнгги йилларда озиқ-овқат бобидаги аҳвол аслида яхшиланмади. Илгари бўлганидек ҳозир ҳам импортни сақлаб туришга тўғри келмоқда. Айни вақтда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотига бўлган қониқтирилмаган эҳтиёжи эндиликда 20 миллиард сўмдан ҳам ортиб кетди.

Сўнгги вақтда ушбу масала яна ҳам кескинлашиб кетганлиги қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди: агар 1987 йилда мамлакат 134,4 миллиард сўмлик ёки 1986 йилга нисбатан 5,8 процент кўп маҳсулот етиштирган бўлса, 1988 йилда аслида ўсиш бўлмади.

Шу нарса мутлақо равшанки, қишлоқдаги ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан такомиллаштириш ва хўжалик механизмини бундан буён тамомила қайтадан қуриш негизидагина ишнинг жиддий яхшиланишига эришиш мумкин. Комил ишонч билан шуни таъкидлашим керакки, деҳқонларнинг манфаатларини биз ана шу муҳим ишнинг асосига қўйишимиз лозим. Ҳозиргача яратилган моддий-техника базаси негизида озиқ-овқат ва хом ашё етиштиришни тубдан кўпайтиришнинг реал имкониятлари фақат худди ана шундадир. Шу билан бир қаторда агросаноат комплекси моддий базасини, қишлоққа зарур техника ва ресурсларни етказиб беришни сифат жиҳатдан янгилашга, фан-техника тараққиёти ютуқларидан яхшироқ фойдаланишга эришиш керак.

Шу боисдан ҳам мен халқ депутатларининг ер тузилиши ва ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчиликни ўзгартириш тўғрисидаги мулоҳазаларини батамом қўллаб-қувватлайман.

Дарҳақиқат, булар долзарб масалалардир. Ижара ҳақидаги Фармон шаънига шу минбардан айтилган танқид, асосан адолатли танқид бўлди: Фармон — вақтинчалик ҳужжатдир. Шунинг учун ҳам у ижарага алоқадор барча масалаларни ҳал қилолмади ва ҳал қилишга қодир ҳам эмас эди. Батафсилроқ қонун актлари зарур ва мен СССРнинг янги Олий Советида бу масалага зарур муносабат бўлади, деб умид қиламан. Аммо, назаримда, биз ҳозир ҳам, келажакда ҳам колхоз ва совхозни мустақил деҳқон хўжалигига ёки ижарачиларнинг кооперативига қарама-қарши қилиб қўймаслигимиз керак. Деҳқонларга мулкка эгалик ва уни тасарруф этишнинг турли формалари негизида мустақил хўжалик юритишга имкон бериш энг асосий масаладир (Қарсаклар).

Агросаноат комплексини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида шу йил март ойида қабул қилинган қарорлар ҳам шунга қаратилгандир. Ушбу қарорлар янги регионал сиёсатга жавоб беради ва территорияларнинг аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш учун маҳаллий органлар ҳуқуқларини кенгайтириш ва масъулиятини оширишга қаратилган.

Иқтисодий муносабатларни ўзгартириш билан бир қаторда қишлоқ социал тараққиётидаги жуда катта камчиликларни тугатиш — қишлоқ учун марказий ва ҳатто таъкидлашим керакки, туб масаладир. Бу ўринда ҳам бизга принципиал янгича ёндашувлар зарур. Март пленумида шу яқин орада қишлоқдаги оилаларни шинам уй-жойлар билан таъминлашни яхшилаш вазифаси қўйилди. Йўл қурилишига оид бир қанча конкрет тадбирлар белгиланди. Шу мақсадга мўлжалланган капитал маблағлар ҳажми янги беш йилликда 2,4 баравар ортиши керак. Қишлоқларни газлаштириш ва электрлаштириш даражасини кескин ошириш, қишлоқлар бутун социал инфраструктурасини тубдан ўзгартириш тўғрисида халқ депутатлари ана шу минбардан туриб айтган кўп фикр-мулоҳазаларни ҳам қўллаб-қувватлайман. Ана шунга, бизнинг фикримизча, 120 миллиард сўмдан ҳам кўпроқ капитал маблағ сарфланиши керак. Бу шу беш йилликка мўлжалланган маблағдан 1,5 баравар кўпдир.

Биз мамлакат агросаноат комплексининг асосий муаммоларига куч-ғайратларимизни яна ҳам кўпроқ жамлашимиз керак, ана шу муаммолар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш йўлидаги имкониятларимизга бевосита ҳалал бермоқда, жамиятдаги социал кескинликни бартараф этишга имкон бермаяпти. Бу, аввало, қишлоқ хўжалик хом ашёсини ташиш, қайта ишлаш ва асрашга тааллуқлидир. Бу ерда ақл бовар қилмайдиган нобудгарчиликлар бўлмоқда. Қишлоқда етиштирилган маҳсулотнинг 25 фоизига қадар қисми истеъмолчига етиб бормаяпти.

Бу тармоқдаги ишнинг батафсил программаси маълум. Бу программа 1987 йилнинг октябрь ойида махсус тарзда кўриб чиқилган эди. Саноат қайта ишлаш тармоқларининг структурасини тубдан ўзгартиришни таъминлаш, ана шу тармоқлар моддий-техника базасини мустаҳкамлашга асосий эътибор бериш кераклиги ўша кезда қўйилган асосий мақсад эди. Ҳукумат қабул қилган қарорга мувофиқ ана шу программани амалга ошириш учун 77 миллиард сўм ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Биз аслида қишлоқ хўжалик хом ашёсини ва озиқ-овқат маҳсулотини қайта ишлаш, асраш ва ташиш саноатини кўп жиҳатдан қайтадан бунёд этишимиз керак. Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, қайта ишлашни ривожлантириш, нобудгарчиликка йўл қўймайдиган чиқитсиз технологияни жорий этиш эвазига 1995 йилда 40 миллиард сўмликкача қўшимча маҳсулот ёки мамлакатдаги озиқ-овқат товарларининг жами ўсишининг 60 проценти олиниши керак.

Ҳозир қишлоқ хўжалигида мелиорация масаласи батамом қайта кўриб чиқилмоқда. Кўп йиллар мобайнида мавжуд бўлган система назарда тутилган натижаларга олиб келмай, жуда кўп сарф-харажатлар қилинишига сабаб бўлди, кўп жиҳатдан табиатга зарар етказди. Шу боисдан ҳам Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг собиқ раҳбарияти шанига айтилган танқид мутлақо адолатлидир. СССР Министрлар Совети бундан хулосалар чиқариб олди ва сув хўжалигининг барча масалаларини бир қўлда жамлаш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Бу министрлик фақат қурилиш ташкилоти бўлиши керак. Қурилиш объектларига келганда, колхозлар, совхозлар ва иттифоқдош республикалар бу ўринда буюртмачи бўлишлари керак, чунки улар ерга нимаики зарур бўлса, шуни яхшироқ биладилар. Марказ қўлида эса фақат умумдавлат ва республикалараро аҳамиятга молик муаммоларни ҳал этиш вазифалари қолиши зарур.

Ана шу барча йўналишларда сабот-матонат билан ишлаш пировардида ўн учинчи беш йилликда ҳар йили 200 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга ёки шундай маҳсулот етиштиришни ўтган йилга нисбатан қарийб 70 миллиард сўмлик кўпайтиришга имкон беради. Ҳар йили ўсиш камида 5 процент бўлганидагина бунга эришиш мумкин. Фақат шундай қилинганидагина озиқ-овқат бозорида реал ўзгаришлар рўй беради.

Мамлакат озиқ-овқат таъминотини тубдан яхшилашга қаратилган шарт-шароитларни яратиш юзасидан янги ҳукуматнинг вазифалари аграр соҳада ишлаётган халқ депутатларининг съездга йўллаган Мурожаатномасидан бевосита келиб чиқиши керак, деб ҳисоблайман. Мазкур Мурожаатнома шундай қонунки, уни бажариш, бутун дунёда бўлганидек, деҳқонни барча иззат-икром қиладиган нуфузли сиймога айлантиради. Деҳқон жамиятимизда ўзига муносиб ўринни эгаллаши учун барча ишларни қилиш керак (Қарсаклар). Бу деҳқон турмушининг социал шарт-шароитларига, шунингдек, моддий таъминотига, тирикчилигига, медицина хизматига, маорифга ва маданиятга ҳам дахлдордир. Бу меҳнат шарт-шароитлари, ишлаб чиқариш инфраструктураси, техника билан жиҳозланганлик сингари бошқа соҳаларга ҳам тааллуқлидир. Хуллас, ҳозир шаҳарликлар ихтиёрида бўлган барча нарсаларга дахлдордир.

Аҳоли озиқ-овқат таъминотини яхшилашга экономиканинг бошқа тармоқлари ҳам салмоқли ҳисса қўшишлари керак. Аввало бу қудратли тармоқлардан бўлган балиқ хўжалигига тааллуқлидир, бу хўжалик мазкур вазифаларни ҳал этиш учун кўп иш қилмоқда, лекин балиқ хўжалигида ҳам анчагина муаммолар бор.

Халқ депутатларининг мамлакат экономикасини қишлоқ эҳтиёжларига буриш тўғрисидаги наказининг бажарилиши ҳукуматнинг аграр секторга муносабатига дахлдор фаолиятида асосий дастур бўлади. Қишлоқ меҳнаткашлари ҳақида ана шундай ғамхўрликкина қисқа муддатларда озиқ-овқат бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари хусусида содир бўлган аҳволни тубдан ўзгартиришга имкон беради.

V. Мамлакатнинг молиявий аҳволи ва уни соғломлаштириш тадбирлари. Энди давлатнинг молиявий аҳволи ҳақида гапирмоқчиман. Съездда бунга алоҳида эътибор берилди. Ана шу энг муҳим масала хусусида депутатлар қўлида батафсил ахборот бўлиши лозим.

Бундан илгариги уч беш йиллик мобайнида, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самараси пасайганлиги сабабли даромад 150 миллиард сўмдан ҳам ортиқ даражада кам бўлди, айни вақтда давлатнинг харажатлари мўлжалдагидан 150 миллиард сўм кўп бўлди. Бугунги молиявий қийинчиликларимизнинг илдизлари худди ана шундадир.

Ўша кезларда молиявий ресурсларнинг етишмаганлиги ташқи савдодан 103 миллиард сўм миқдорида планга қўшимча даромад эвазига қопланди. Бу даромад жаҳон бозорида ёнилғи-энергетика ресурсларига коньюнктура қулай бўлгани эвазига олинган эди. Айни вақтда чакана нархлар бир йўла 54 миллиард сўмлик оширилди, халқ истеъмол товарлари сифатини пасайтириш йўли билан ана шундай товарлар нархини яширинча ошириб, салкам 20 миллиард сўм олинди. Яна 106 миллиард сўм банк системаси орқали тушди. Ўша даврда пул эмиссияси мисли кўрилмаган миқёсга етди: муомаладаги пул миқдори уч баравардан зиёд кўпайди.

Реал воқелик ана шундай эди. Ташқи жиҳатдан ҳамма нарса жойида эди — харажатлар даромадлар билан баравар бўлгани учун муаммо ҳам йўқдек эди. Айни вақтда худди ана шундай қулай молиявий мувозанат шароитида корхоналар ва тармоқларнинг силласи қуриди. Улар аслида ўзлари ишлаб топган маблағдан фойдаланиш имкониятидан маҳрум эдилар. Планда белгилаб қўйилган маблағдан ташқари, жамғарманинг кўп қисми бюджетга олиб қўйилар эди.

Умуман, халқ хўжалигида ташқи жиҳатдан мувозанатни вужудга келтирган, аслида эса меҳнат коллективларининг хўжалик ташаббусини бўғиб келган иқтисодий система ана шундай эди. Мен бунга алоҳида диққат-эътиборингизни қаратишингизни сўрайман. Чунки мамлакатдаги ҳозирги молиявий аҳвол кўп жиҳатдан худди ана шу мавжуд принципларни тубдан бузиш билан изоҳланади.

Мамлакат ўн иккинчи беш йилликка ана шундай молиявий мерос билан кирди.

Илгари кўпчилик учун ёпиқ бўлган ва пинҳон тутилган зонадаги ишлар аҳволини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш учун анчагина вақт зарур бўлди. Шу нарса аён бўлдики, агар биз корхоналар ва давлат ўртасидаги (ҳозир эса регионлар тўғрисидаги масала ҳам кўндаланг бўлиб турибди) молиявий муносабатларнинг янги принципларини ишлаб чиқиш соҳасида кенг кўламдаги тадбирларни амалга оширмасак, зарур социал-иқтисодий ўзгаришларни таъминлай олмаймиз, у ҳолда иқтисодий ислоҳотнинг илдизига болта урилади.

Ҳамонки бундай молиявий аҳволга тушиб қолган эканмиз, ана шундай жуда мураккаб вазиятдан чиқишнинг қайси бир стратегиясини танлаб олиш керак, деган саволга очиқ-ойдин жавоб беришимиз лозим эди.

Турлича йўллар таклиф этилди. Биринчидан, социал программаларни қисқартириш, чакана нархларни ошириш таклиф этилди. Ҳукумат бу ўринда қатъий позицияда турди — ҳар қандай нуқтаи-назардан бу йўл номақбул эди. Иккинчидан, корхоналардан ишлаб топилган маблағларнинг қолган қисмини тортиб олиш ва илгари бўлганидек ана шунинг эвазига давлат бюджетини мувозанатлаш таклиф қилинди. Бу йўл ҳам рад этилди. Чунки у иқтисодий ислоҳот негизларига бевосита путур етказар ва корхона ҳақидаги қонунни бузар эди. Учинчи йўл ташқи қарзни кўпайтириш йўли эди. Аммо бу ички қарзни ташқи иқтисодий қарзга айлантириш йўли эди. Бундай қарз ҳозирнинг ўзидаёқ хавфли чегарага етди, қарз яна кўпаяверса, мамлакат жуда мушкул аҳволга тушиб қолиши мумкин.

(Давоми учинчи бетда).

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Шуларнинг ҳаммасини назарда тутиб, қуйидаги вазифа ўртага қўйилди: ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, уни интенсивлаштириш ўсиб боришига таяниб, давлатнинг ортиб бораётган харажатларини фақат даромадларнинг кўпайиши эвазига қоплаш ва шу тариқа мамлакатнинг молиявий аҳволини барқарорлаштириш лозим. Жаҳон бозорида ёнилғи нархи арзонлашаётган бир пайтда ана шундай қилишга тўғри келмоқда.

Хўш, натижалар қалай?

Чамаси, ўн иккинчи беш йиллик фойда бўйича мўлжалдаги барча кўрсаткичлар бажариладиган биринчи беш йиллик бўлар, чоғи. Корхоналар молиясини соғломлаштиришнинг фаол жараёни бошланди. Энди улар ихтиёрида фойданинг ярмидан кўпроғи қолмоқда.

Ҳозирги вақтда корхоналар қўлида иқтисодий рағбатлантириш фондлари маблағларининг қолдиқларини ҳам ҳисобга олсак, қарийб 250 миллиард сўм жамғанган. Яъни бу йил иттифоқ бюджети ихтиёридаги маблағга баробар пул бор.

Аммо шуни таъкидлаш зарурки, агар биз асосий ишлаб чиқариш бўғинининг молияси мустаҳкамланганлигининг гувоҳи бўлсак, айни вақтда давлат молиясидаги ишлар аҳволи ҳамон кескин бўлиб турибди.

Бунинг сабаби нимада?

Умуман, беш йилликнинг тўрт йили мобайнида давлат планлаштирилган даромадларни олишга ва харажатларнинг ўсиб боришини тўхтатишга муваффақ бўлмади.

Беш йиллик планни ишлаб чиқаётганида ҳукумат жаҳон бозоридаги коньюнктуранинг ёмонлашаётганини назарда тутган эди. Аммо амалдаги аҳвол фаразларимиздагига нисбатан ҳам ёмонроқ бўлиб чиқди. Бунинг оқибатида ташқи иқтисодий фаолиятдан тушаётган даромадлар планлаштирилганига нисбатан 30 миллиард сўм кам бўлади. Алкоголга қарши жадал кампаниянинг оқибатлари ҳам таъсир этди. Хуллас тушумларнинг барча манбаларини ҳисобга олганда давлат даромадлари 40 миллиард сўм кам бўлиши кутилмоқда.

Айни вақтда 1986—1989 йиллардаги харажатлар ҳисобдаги харажатлардан 62 миллиард сўм кўп бўлади. Партия XXVII съездининг қарорларига мувофиқ, маблағларнинг анчагина қисми мамлакатдаги социал ривожланиш тадбирларини амалга оширишга сарфланди.

Ана шу харажатлардан ўзимизни тийишимиз мумкинмиди? Мен ана шу харажатларни айтай, хулосани ўзингиз чиқараверинг: соғлиқни сақлаш, умумтаълим мактаби ва олий мактаб ислоҳотларини ўтказиш, аҳоли турли группалари пенсия таъминотини минимал яхшилаш, даромади кам оилалардаги болаларга ёрдамни кучайтириш, етим болаларнинг моддий аҳволини яхшилаш ва бошқа харажатларгагина (шуни таъкидламоқчиманки, уй-жой қурилиши ва бошқа ноишлаб чиқариш қурилишига кетган капитал маблағлар бу ҳисобга кирмайди) давлат тўрт йил ичида қўшимча 21 миллиард сўм ажратди.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалигига қўшимча ёрдам қарийб 10 миллиард сўмга етди. Сизга маълумки, Чернобилдаги авариядан кейин 8 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ талаб этилган эди. Арманистондаги зилзила оқибатларини тугатиш харажатлари ҳам анчагина бўлди. Афғонистондаги харажатларимиз йилига қарийб 5 миллиард сўмни ташкил этди.

Пул муомаласидаги аҳвол ниҳоятда кескинлашди. Хўш, бу борада нималар содир бўлмоқда?

Аввало аҳолининг даромадлари ҳақида гапирмоқчиман. Уч йил ичида бу даромадлар планлаштирилганига нисбатан 20 миллиард сўм кўп бўлди. Айни вақтда қарийб барча ўсиш 1988 йилга тўғри келди. Фақат иш ҳақининг ўсишигина мўлжалдагидан 14,5 миллиард сўм кўп бўлди. Гап шундаки, ишлаб топилган маблағни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланаётган кўп корхоналар иш ҳақи билан меҳнат унумдорлиги ўртасидаги иқтисодий жиҳатдан асосланган алоқани барбод этдилар, давлат корхонаси тўғрисидаги қонуннинг энг муҳим талабларини бузмоқдалар.

Равшанки, халқ хўжалиги даромадларнинг бу қадар ортишини қоплаш учун товарлар ишлаб чиқаришни ва хизматларни кўпайтиришга тайёр эмас эди. Оқибатда истеъмол бозорида, айниқса 1988 йилда ва 1989 йилнинг бошида жуда кескин аҳвол вужудга келди. Бу аҳвол пулнинг қадрсизланиш жараёнларини тезлаштирди.

Молия ва пул муомаласидаги реал аҳвол ана шундай, ўртоқлар. Ҳукумат экономиканинг молиявий аҳволини соғломлаштириш программасини кўриб чиқди. Мазкур программани икки босқичда амалга ошириш мўлжалланмоқда. **Биринчи босқич 1989—1990 йилларни ўз ичига олади.** Илгари айтиб ўтганимдек, ана шу даврда товар ишлаб чиқаришни тубдан кўпайтириш, ишлаб чиқаришга капитал маблағ сарфлаш ва мудофаа харажатларини қисқартириш, бошқарув аппарати харажатларини камайтириш, тежаб-тергашни кучайтириш ва бошқа бир қанча тадбирлар назарда тутилмоқда.

Зарар кўриб ишлайдиган корхоналар муаммосини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. 1988 йилда моддий ишлаб чиқариш тармоқларида (колхозлардан ташқари) бундай корхоналар қарийб 9 мингта бўлган эди. Зарарни қоплаш учун 5 миллиард сўм зарур бўлди. Аммо бу — ишнинг битта соф молиявий жиҳатидир. Ишнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳозирча тенгчилик тенденциялари сақланиб турган мавжуд иқтисодий система ана шундай корхоналарга яхши ишлаётган меҳнат коллективлари эвазига яшашга имкон беради. Ҳукуматнинг қатъий фикрига кўра, 1990 йил хўжалик юритишнинг янги шарт-шароитларида сира йўл қўйиб бўлмайдиган ана шу ҳодиса учун сўнгги йил бўлиши керак.

Ана шу тадбирларнинг ҳаммаси бюджет камомадини бу йил 29 миллиард сўм, келгуси йили эса 34 миллиард сўм камайтиришга имкон беради.

Иккинчи босқичда — ўн учинчи беш йилликда молиявий аҳволни барқарорлаштириш билан бир қаторда бюджет камомадига барҳам бериш вазифаси қўйилмоқда. Назаримизда, ўн учинчи беш йилликда молияни соғломлаштириш программасини келгуси даврда мамлакат иқтисодий ва социал тараққиёти концепцияси ва унинг йўналишларини тайёрлаш чоғида ишлаб чиқиш, СССР Олий Советида кўриб чиқиш ва халқ депутатлари иккинчи съездида муҳокама қилиш керак.

Кооператив ҳаракат хусусида жамиятда вужудга келаётган вазият тўғрисида ҳам гапириб ўтишим шарт. Бу борада ривожланиб келаётган жараёнларга халқ турлича баҳо бермоқда, чунки бу жараёнлар кўп жиҳатдан зиддиятлидир, соғлом негиз билан бир қаторда кооператорлар айрим тоифаларининг мутлақо салбий хатти-ҳаракатлари ҳам рўёбга чиқмоқда.

Бу кооперация табиатининг ўзига ўнглаб бўлмайдиган зарар етказмоқда, чунки кооперация юлғичлик, мол-мулк орттириш, шахсан бойиш, ғаразгўйлик, гражданларнинг манфаатларини рад этиш сингари унсурлар билан чиқиша олмайди. Афсуски, бундай унсурлар кооператив ҳаракатимизда бор, шу боисдан ҳам меҳнаткашларимиз дарғазаб бўлишмоқда, улар тартиб ўрнатилишини талаб қилмоқдалар. Иш шунга бориб етмоқдаки, умумий овқатланиш, савдо соҳасида, воситачилик фаолиятида кооперативларни ёпиб қўйишни, ишлаб чиқаришда ва маиший хизмат соҳасидагина кооперативларни қолдиришни талаб қилмоқдалар.

Шуни айтишим керакки, ўртоқлар, бу борада вазминлик билан ёндашув зарур, кооперацияни соғломлаштириш, у барқ уриб ривожланган сўнгги икки йил мобайнида пайдо бўлган барча қурумдан кооперацияни тозалаш учун изчиллик ва собитқадамлик билан ишлаш лозим бўлади. Жойларда бу ишни аввало халқ депутатлари Советлари жуда фаоллик билан адо этишлари керак, чунки улар кооперативларнинг устави рўйхатдан ўтказилаётганда уларга оқ йўл тилайдилар-ку. Ҳозир Советларга, албатта, маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, жамиятга керакли бўлган кооперативларнинг янги турларини бунёд этишга таъсир ўтказиш учун катта ҳуқуқлар ва имкониятлар берилган. Советлар, шунингдек солиқ солишнинг самарали системаси йўли билан кооперативлар фаолиятини тартибга туширишда ҳам катта ҳуқуқ ва имкониятларга эгадирлар. Бу ишдаги асос, яъни кооператив ҳаракатини социал адолат принциплари негизида ривожлантириш лозимлиги аниқ-равшандир.

VI. Инвестиция жараёнини нормаллаштиришнинг асосий йўллари. Депутат ўртоқлар! Инвестиция сиёсати айниқса қаттиқ танқид қилинди. Биз бу масалани пухта ўрганишимиз керак, бундан кўзда тутилган муддао шуки, вужудга келган вазиятни шу яқин орада ўзгартириш ва аҳволни соғломлаштириш керак.

Ҳозирги инвестиция сиёсатининг принципиал жиҳатдан ўзига хос хусусияти шундаки, корхоналар ислоҳот ўтказилиши туфайли катта молия ресурсларига эга бўлдилар. Масалан, агар 1986 йилда корхоналарнинг ўз маблағлари эвазига инвестиция салмоғи давлат капитал маблағларининг умумий ҳажмида тахминан 3 процентни ташкил этган бўлса, 1989 йилда 41 процентга етади. Бу эса бутун инвестиция жараёнини ташкил этишни тубдан ўзгартиради.

Мамлакатда қурилиш комплексини бошқаришда туб ўзгаришлар қилиш учун зарурат етилди. Ҳаддан зиёд марказлаштириш республикалар ва маҳаллий органлар ташаббусини бўғиб қўйди, уларнинг эҳтиёжларини тўла ҳисобга олишга, шунингдек регионнинг имкониятларидан фойдаланишга йўл қўймади. Республикаларнинг масъулияти сусайиб кетганлигини ҳам эътиборда тутишимиз керак.

Қурилиш ишлаб чиқаришига раҳбарликни маҳаллийлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Бошқарув юмушлари иттифоқдош республикаларга берилди. Россия федерациясигина ҳозир бундан мустаснодир, чунки бу республикада асосий пудрат ишларини иттифоқ министрликлари бажармоқдалар. Аммо ҳаёт РСФСРда ҳам шундай тадбирни кўриш лозимлигини тасдиқлаб турибди. Бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ҳам асосан иттифоқдош республикалар ихтиёрига берилди. Бундай ёндашув янги регионал сиёсат принципларига тўла-тўкис жавоб беради.

Аммо шунга қарамасдан аҳвол мураккаб бўлиб турибди. Аммо қурилишда амалда бўлган хўжалик механизми илгариги ялпи ёндашувларни бартараф этмади, ишларнинг муддатлари ва сифатига суст таъсир ўтказмоқда.

Беш йиллик бошидаёқ қурилиш миқёсини чеклаш мақсадида мажбурий қадам сифатида қатъий маъмурий чоралар кўрилган эди, лекин бу чоралар ўткинчи натижаларни берди, холос. Шундан кейин, иқтисодий методларга ўтилаётганида, хўжалик механизмининг номукаммаллиги важидан ўтган йиллардаги вазият қайтарилди.

Министрликлар ва корхоналар мустақил тузадиган ва тасдиқлайдиган планлар асосида янгидан бошланаётган қурилишлар 1988 йилда 1985 йилга нисбатан яна 31 процент ортиб кетди.

Шундай қилиб, капитал маблағлар яна сочиб юборилди. Ҳозирги вақтда объектларни қуриш муддати нормативларда белгиланган муддатлардан икки баравар кўпдир. Чала қурилишлар кўпаймоқда. Кўпгина қувватларни ишга тушириш топшириқлари барбод этилмоқда. Оқибатда халқ хўжалиги ўн учинчи беш йиллик бўсағасига беш йиллик планда кўзда тутилганига нисбатан анча кам ишлаб чиқариш потенциали билан келмоқда.

Бўлажак ҳукумат инвестиция сиёсатида жуда мураккаб вазифаларни ҳал этиши керак бўлади.

Мамлакатнинг молиявий аҳволини эътиборга олиб, имкониятларни чамалаш шуни кўрсатмоқдаки, келгуси беш йилликда маблағ билан таъминлашнинг барча манбаларини ҳисобга олганимизда инвестицияларнинг умумий ҳажми нари борса аслида 10 процент ортиши мумкин. Айни вақтда халқ хўжалигида аввало капитал қурилишда катта структура ўзгаришларини амалга ошириш зарур.

Биринчи. Биз экономикани социал вазифаларни бажаришга тубдан буришни таъминлашимиз керак, бунинг учун мамлакат ресурслари билан жуда катта иқтисодий маневр ўтказиш зарур. Амалиётда бу социал маданий соҳанинг моддий базасини мустаҳкамлашга сарфланаётган капитал маблағлар барча турларини илдам даражада ўстириш зарурлигини англатади. Ҳисоб-китоблар шундан далолат бермоқдаки, ўн учинчи беш йилликда халқ хўжалигидаги инвестицияларнинг умумий ҳажмида уларнинг салмоғи аслида ўн иккинчи беш йилликдаги 26 процент ўрнига 34 процент кўпайиши мумкин, ўсиш эса ҳозирги беш йилликка нисбатан 1,5 баравар кўп бўлади.

Иккинчи. Инвестицияларда аграр комплексга, айниқса унинг социал соҳасига устунлик яратиш зарур.

Учинчи. Келгуси даврда бевосита одамлар манфаати учун ишлайдиган экономиканинг барча соҳаларидаги тармоқларни тубдан реконструкциялашни таъминлашга асосий куч-ғайратларни жамлаш керак.

Халқ хўжалигининг кўпроқ капитал маблағ сарфлашни талаб этадиган базавий тармоқларини қайта жиҳозлаш хусусида шуни айтиш керакки, бундай қайта жиҳозлаш миқёсларини анча торайтириш ва шунга мувофиқ тарзда мавжуд ишлаб чиқариш потенциалининг самарадорлигини кескин ошириш керак. Мен бу ўринда ҳам муаммолар борлигини ва биз уларни инобатга олишимиз зарурлигини таъкидламоқчиман, чунки бу муаммолар бутун халқ хўжалигининг ишига таъсир этиши мумкин.

Равшанки, ана шундай шароитда инвестиция программасини шакллантиришга қатъий ёндашув талаб этилади. Айрим тармоқлар ва регионларни ривожлантиришга тааллуқли бир қанча йирик лойиҳаларни ва қарорларни тўхтатиш ёки маълум муддатга кечиктириш зарур бўлади. Бундай қилиш жуда мураккабдир ва бу жараён ниҳоятда оғир кечади. Дастлабки ҳисоб-китоблар шундан далолат бериб турибдики, фақат айрим йирик қурилишлар ва объектлар бўйича инвестициялар миқдорини 27 миллиард сўм камайтириш мумкин бўлур эди. Шуни айтиб ўтишни лозим, деб ҳисоблайман.

Иттифоқдош республикалар билан биргаликда чала қурилишларни қисқартириш учун таъсирчан тадбирлар комплексини амалга ошириш талаб этилади, албатта. Бу бизга ниҳоятда зарурдир. Аввало зарурлигининг боиси шундаки, капитал маблағларни озроқ ошириб, аслида кўпроқ асосий фондларни фойдаланишга топшириш мумкин бўлади.

Инвестиция фаолиятининг структурасини қайта қуришга оид тадбирларни амалга ошириш билан бирга қурилиш ишларидаги барча сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган принципиал янги хўжалик механизмидан фойдаланишга ўтиш лозим, чунки ҳозир амал қилиб турган механизмнинг катта камчиликлари бор.

Капитал қурилишдаги кўпгина мушкулотлар пул билан таъминлашнинг вужудга келган практикаси оқибатидир, шу пайтга қадар объектларни қуриш учун керакли пуллар ишлаб топилмаяпти, балки юқори ташкилотларнинг иродасига мувофиқ ажратиляпти. Мана шуларнинг ҳаммасини қатъиян ўзгартириш керак, албатта. Иборали қилиб айтганда, пулнинг ўз хўжайини бўлиши керак. Шундагина ундан омилкорлик билан фойдаланиладиган бўлади.

Қурилишдаги иқтисодий механизмнинг асосий қоидалари ишлаб чиқилган. Бу қоидаларга барча республикаларнинг фикрини эътиборга олиб, аниқлик киритилиши керак, албатта.

Ҳукуматнинг янги состави съездда қилинган кескин, аммо одилона танқиддан тегишли хулосалар чиқариб олади. Капитал қурилиш соҳасида биз маданий савияга чиқиб олишимиз керак. Биз ўн йиллар ва ҳатто асрлар бўйи қад кўтариб турадиган объектларни қураяпмиз. Айни мана шу объектлар ҳозирги жамиятнинг интеллектуал ва техникавий савиясини акс эттиради.

VII. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва инсон яшайдиган қулай муҳитни вужудга келтириш муаммолари. Депутат ўртоқлар! Фан ва техникани ривожлантириш муаммолари ҳақида қисқача гапириб ўтмоқчиман. Халқ хўжалигининг илмий-техникавий даражаси учун жуда нотекислик ва катта тафовутлар характерлидир. Бир томондан фан ва техниканинг баъзи соҳаларида катта ютуқларга эришилди, иккинчи томондан эса кўпгина тармоқларда илм-фан ва технология жиҳатидан жуда орқада қолиб кетилди, бу ҳол ҳозирги тасаввурда соғлом ақл-идрокка мутлақо зиддир.

Бунинг ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари бор, аммо энг асосий сабаб хўжалик юритиш механизмидадир. Ҳар бир коллективни янгилик излашга ундайдиган ҳамда фан ва техника ютуқларини ўзлаштирмай туриб, моддий фаровонликка эришишга имкон қолдирмайдиган омиллар системаси бу механизмга асос қилиб олинмаган.

Биз илмий ва конструкторлик фаолияти соҳасида хўжалик ҳисобини ва ўзини ўзи пул билан таъминлашни чуқурлаштириш йўлини аниқ ўтказишимиз керак. 1988 йилдан бошлаб 23 та тармоқнинг илмий муассасалари шу шароитда ишлади. Бу йил ҳамма илмий муассасалар, шу жумладан академиянинг, олий ўқув юртларининг муассасалари ҳамда мудофаа комплексининг илм-фан ташкилотлари шу усулга ўтади.

Бунда амалий ва фундаментал илмий ишларни ривожлантиришни бюджетдан пул билан таъминлашнинг хўжалик шартномаси билан иқтисодий жиҳатдан чуқур асосланган нисбатини топиш бениҳоя муҳимдир. Илмий муассасаларни хўжалик юритишнинг янги шароитига кўчирганда умумдавлат, умуммиллат аҳамиятига эга бўлган истиқболли фундаментал ишланмаларга асло зарар етмаслиги кераклиги мутлақо равшан. Бу ишлар аввалгидек асосан давлат бюджети ҳисобидан пул билан таъминланиши лозим.

Тармоқ илмий муассасаларининг янги шароитда бир йил ишлаши иқтисодий механизмга асос қилиб олинган принциплар асосан тўғри ва самарали эканини кўрсатди. Аммо, унинг баъзи бир салбий жиҳатлари борлиги, жумладан, иш ҳақи асоссиз ошиб кетиши, илмий-техникавий ҳужжатлар нархи кўтарилиши сезилиб қолди, бу эса изланиш ишларини ва янги илмий ишларни бошлаб қўйишга интилишни камайтиришга олиб боради. Бироқ, бу тўсиқларни бартараф этса бўлади. Энг муҳими шуки, мамлакатни ҳозир бутун дунёда рўй бераётган тараққиёт жараёнларига тезроқ чиқариб олишдир. Бу гап аввало чет элларда жадал ривожланаётган технология революциясига тааллуқлидир. Бу соҳада ҳам кўп куч-ғайрат сарфлаш, зўр интеллектуал имкониятларимизни марказлаштириб ишга солиш зарур.

Ўртоқлар!

Мамлакатда инсон турмушининг қулай муҳитини яратиб бериш билан боғлиқ бўлган муаммолар жиддий кескинликни келтириб чиқармоқда. Экологик хавфсизлик учун авж олиб кетган ҳаракат тобора ўткир социал-сиёсий тус олмоқда.

Оммавий ахборот воситалари билан аҳолининг бу соҳадаги фаоллиги сабаблари мутлақо равшан. Ўтмишда бизнинг конкрет регионлардаги экология масалаларини жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш тажрибамиз йўқ эди.

Ишлаб турган кўпгина саноат корхоналари, айниқса 30, 40 ва 50-йилларда ишга туширилган корхоналарнинг кўпи экология нормаларига мувофиқ эмаслигини таъкидлаб ўтмоқ керак. Янги ишга туширилаётган кўпгина саноат объектларида ҳам технология жараёнлари ҳозирги талаблардан орқада қолмоқда. Натижада бир қанча йирик саноат марказларидаги экология вазияти жуда ноҳуш бўлиб қолди. Ҳавога чиқариб юборилаётган зарарли моддаларнинг ўзи ҳозир 100 миллион тоннага яқинлашиб қолди.

1985—1988 йилларда ҳукуматнинг Байкал ва Ладога кўли табиий ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги, Челябинск, Магнитогорск, Карабаш, Фарғона, Кемерово, Салават, Стерлитамак, Тольятти ва бошқа шаҳарлардаги ҳаво ҳамда сув объектларининг ифлосланишига йўл қўймасликка оид қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги қарорлари қабул этилди. Шимол ва Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини жанубга буриб юбориш, Ржевск гидроузелини ва Волга—Чограй каналини қуриш билан боғлиқ бўлган ишлар тўхтатилди. Орол денгизи ҳавзасида табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари тўғрисида комплекс қарор ҳам қабул этилди. Волга ва Каспий ҳавзалари хусусидаги таклифлар тайёрланмоқда. Қўриқхоналар майдони 1985 йилдаги 18 миллион гектардан ҳозир 21 миллион гектарга етказилди.

Бир талай ишлар қилинаётганлиги кўриниб турибди. Бироқ, тўпланиб қолган муаммолар юки шу қадар каттаки, вужудга келган ноҳуш экологик вазиятни қисқа муддатларда соғломлаштириш ҳаддан ташқари қийин. Бунинг учун анчагина пул ва материал ресурслари керак бўлади. Чунончи, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини зарур даражада ривожлантириш билан бирга, табиатни муҳофаза қилиш узоқ муддатли давлат программаси лойиҳасини амалга оширишга уч беш йиллик мобайнида 135 миллиард сўм, яъни ҳар беш йилликда ҳозирги беш йилликдаги 15 миллиард сўм ўрнига ўрта ҳисобда 45 миллиард сўм ажратиш керак бўлади. Бироқ масала фақат молия хусусида эмас. Бундай маблағларни ўзлаштириш учун қурилиш ташкилотларининг ихтисослаштирилган қувватларини ривожлантириш ва энг мураккаби эса экологик жиҳатдан соф технологияларни ҳамда тегишли ускуналарни яратиш зарур.

Ҳозир жамоатчилик кўтариб чиқаётган барча ўткир муаммолар ичида атом энергетикаси билан гидроэнергетика масалалари биринчи ўринга қўйилмоқда. Шу масалалар юзасидан депутатларнинг кўплаб сўровлари ва мурожаатлари тушди. Бундай хавотирлик нимадан келиб чиқиши тушунарли. Чернобиль, текисликдаги гидростанциялар ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Масалалар шу қадар чуқур ва принципиал, мамлакатни янада ривожлантиришга шу қадар бевосита даҳлдор ва совет кишиларининг турмуш шароитига тўғридан-тўғри таъсир қиладики, уларни алоҳида кўриб чиқса арзийди. Бизнинг фикримизча, СССРнинг амалдаги узоқ муддатли Энергетика программасига тегишли тузатишлар киритиш, уни СССР Олий Советида муҳокама қилиш ва умумхалқ муҳокамасига тақдим этиш керак. (Қарсаклар).

Белоруссияда, Украина ва Россияда Чернобилдаги авариядан кейин вужудга келган аҳвол билан боғлиқ масалаларнинг бутун комплексини ҳам яна бир бор махсус кўриб чиқиш талаб этилади.

Хуллас, мамлакат олдида турган экология муаммоларини ҳал этишга бутун ишлаб чиқариш-техника, интеллектуал потенциал, жумладан, академия, олий ўқув юртлари ва тармоқ илм-фанининг потенциали йўналтирилиши керак. Ишни шунга қаратиш лозимки, мамлакатнинг барча регионларида экологик вазият қадамба-қадам яхшиланиб борсин.

Ўртоқлар!

Ҳар бир совет гражданининг эркинлиги ва конституцион ҳуқуқларини, шаъни ва қадр-қимматини чуқур ҳурмат қилиш, жамиятни турли социал ва демографик группаларни жипслаштириш принципига қатъий риоя этиш ҳамиша ҳукумат фаолиятининг асоси бўлади. Бу жуда муҳимдир. Мамлакатда марказдан қочма тенденциялар кучайиб, шубҳали йўналишдаги иш ташлаш ва митинглар авж олиб кетди, миллатчилик кайфиятлари авжига чиқмоқда. Бунда ҳам аниқ қилиб, шуни айтиш керакки, миллий белгига ёки бошқа бирон-бир белгига қараб инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига, анархия ва масъулиятсизликка, меҳнат маромининг бузилишига, жиноятчилик ва порахўрликнинг ўсишига йўл қўйиш мумкин эмас. Янги ҳукумат барча демократик эркинликларни ҳуқуқий асосда қаттиқ муҳофаза қилиб, мамлакатда, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш асосида қонунчилик ҳамда жамоат тартиби барқарор бўлган муҳитни вужудга келтириш ишида қатъият кўрсатади.

Мамлакатда демократиялаш жараёни гуркираб авж олмоқда. Бунда у одамлар турмушининг тобора янги соҳаларини қамраб олмоқда. Демократик асослар бизнинг кундалик турмушимизга мустаҳкам сингиб кетмоқда. Бу гап ишлаб чиқаришга ҳам, маданиятга ҳам, гражданларнинг муомалаларига ҳам тааллуқлидир. Бизнинг бутун сиёсий системамиз, экономикамиз, регионал муносабатларимиз тобора демократик бўлиб бормоқда.

Хуллас, ўсишнинг янги сифатига ўтиш даврини қийинчилик билан бошдан кечираётган мамлакатда шахсни эркин қилиш соғлом жараёнлари тобора фаол давом этмоқда. Аммо жамиятдаги бу аҳволнинг диалектикаси шундайки, демократик асослар билан бир қаторда сохта демократик жараёнлар ҳам ривожланиб бормоқда. Бундай жараёнлар давлатдаги вазиятнинг барқарорлигига ниҳоятда салбий таъсир қилмоқда, интизомга путур етказмоқда, соғлом фикрга қарамай, жамиятда тартибни бузишга олиб бормоқда. Мамлакатдаги кўпгина яхши ташаббуслар бўшанглик, масъулиятсизлик, энг оддий талабларни қўпол равишда бузиш сабабли охирига етказилмаяпти.

Биз кетма-кет фожиали воқеаларга дуч келаяпмиз, буларда кўплаб одамлар қурбон бўлмоқда. Кўпинча масъулиятсизлик, топширилган ишга андишасиз муносабатда бўлиш, баъзида эса энг оддий инсоний бурчдан қўпол равишда чекиниш ана шу барча фожиаларга сабаб бўлмоқда.

Том маънода бутун халқ шу ишга қўшилган тақдирда биз жамиятимиз турмушидаги ана шундай ҳодисаларни тугатишда муваффақиятга шубҳасиз эришамиз.

Партия жамиятни демократиялашни биринчи навбатдаги вазифа сифатида олға суриб, аввало, бу тушунчага юксак маъно ва англаб етилган интизом, англаб етилган тартиб зарурлиги маъносини бағишлаган эди. Бунда ғоят катта мамлакатимиз гражданлари куч-ғайратларини жипслаштириш принциплари асосида демократик жамият, ҳуқуқий давлат барпо эта бориб, мамлакат тараққиёт йўлидан дадил, барқарор, узилишларсиз олға томон ҳаракат қилиб бориши учун барча зарур ишларни қилишлари керак.

VIII. Янги мудофаа доктринаси ва экономикани ривожлантириш. Депутат ўртоқлар! Давлат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, шунингдек, СССР Қуролли Кучлари қурилишига умумий раҳбарлик ҳукумат ишининг энг муҳим йўналишларидир.

1986—1990 йилларга мўлжалланган планни тузиш чоғида ўша пайтда вужудга келган халқаро вазият ва ҳарбий доктринамиз туфайли биз мудофаага сарфланадиган харажатларни миллий даромадникига қараганда бирмунча юксакроқ суръатлар билан ўстиришни анъанавий равишда кўзда тутишга мажбур эдик.

Аммо Совет давлатининг тинчлик ташаббуслари, қурол-яроғларнинг айрим турларини қисқартириш ва чеклаш тўғрисида бир қанча шартномалар тузилганлиги, янги ҳарбий мудофаа доктринасининг принциплари чинакам инқилобий маневрни амалга ошириш имконини берди. Келгуси икки йилда таклиф этилган харажатларнинг қисқартирилишини ҳисобга олганда тасдиқланган беш йиллик планга нисбатан мудофаа харажатларидан олинадиган умумий тежам қарийб 30 миллиард сўмни ташкил этади.

Съезд мудофаага сарфланаётган аниқ харажатлар тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлиши кераклиги шубҳасиздир. Шундай қилингандагина халқ депутатлари харажатлар тўғрисида тасаввурга эга бўладилар, бу эса ҳарбий харажатларни кўриб чиқиш ва шакллантиришда фаол қатнашиш имконини беради. Масалан, 1989 йилда 77,3 миллиард сўм миқдордаги умумий харажатлардан:

қурол-яроғ ва техника харид қилишга — 32,6 миллиард сўм;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига — 15,3 миллиард сўм;

армия ва флотни сақлашга — 20,2 миллиард сўм;

ҳарбий қурилишга — 4,6 миллиард сўм;

ҳарбий хизматчиларнинг пенсияларига — 2,3 миллиард сўм сарфлаш кўзда тутилган.

Бошқа харажатлар 2,3 миллиард сўмни ташкил этади.

Бу маълумотларни шарҳлашнинг зарурати бўлмаса керак. Биз қуролсизланиш йўлидан сабот билан бораверишни, миллий даромадда мудофаа харажатларининг салмоғини 1995 йилга бориб 1,5—2 баравар қисқартиришга эришиш ниятидамиз. Бу масала СССР Олий Советининг фаолиятида алоҳида ўрин олади, деб ўйлаймиз.

Ҳукумат мудофаа эҳтиёжларига харажатларнинг изчиллик билан қисқартирилишини эътиборга олиб, Совет Қуролли Кучларини барча зарур чоралар билан таъминлашга, айни вақтда оқилона етарлилик принципини рўёбга чиқаришга интилаверади. Армия — совет халқининг фарзандидир, зотан у ҳар томонлама қўллаб-қувватланса арзийди. (Қарсаклар).

Ҳарбий ишлаб чиқаришни жадаллик билан ноҳарбий ишлаб чиқаришга айлантириш, бўшайдиган қувватлар ва ресурсларни социал ҳамда иқтисодий вазифаларни ҳал этишга йўллаш қатъий заруратдир. Бундай чора-тадбирлар агросаноат комплекси, енгил саноат, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш учун машина-ускуналар ишлаб чиқаришни анча (1,5—2 баравар) кўпайтириш имконини беради.

Ана шундай чора-тадбирлар бу йил мудофаа комплекси ишлаб чиқаришининг структурасини ўзгартиришга олиб келди. Бу комплексда граждан маҳсулоти ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларига қараганда икки баравар юқоридир.

Ҳарбий ишлаб чиқаришни ноҳарбий ишлаб чиқаришга айлантириш таъсири остида мудофаа комплексининг ишлаб чиқариш структураси тубдан ўзгармоқда. Агар ҳозир тармоқларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг умумий ҳажмида граждан маҳсулотининг умумий салмоғи 40 процент бўлса, шу беш йилликнинг охирига бориб 46 процентни ташкил этади, 1995 йилда эса 60 процентдан ошади.

Халқ хўжалигини социал эҳтиёжлар қондирилишига йўналтириш тўғрисидаги қарорларга амал қилиб, мудофаа тармоқларига граждан маҳсулотининг замонавий илм-фанга асосланган янги турларини ва мураккаб рўзғор буюмларини жадаллик билан яратиш топширилди.

Бу гап биринчи навбатда медицина техникасига тааллуқлидир. 1989 йилда мудофаа тармоқларининг корхоналарида салкам 240 миллион сўмлик шундай техника ишлаб чиқарилади, келгусида эса ҳар йили камида 1 миллиард сўмликка етказилади. Инвалидларни турли медицина техникаси билан таъминлаш масаласи ниҳоятда ўткирлигини, шунингдек, протез қўйишдаги қийинчиликларни эътиборга олиб (бу ҳақда съездда мутлақо ҳаққоний ва зўр қайғу-алам билан гапирилди), Министрлар Совети яқинда бу ишлаб чиқаришни космос билан шуғулланаётган етакчи корхоналарга топшириш тўғрисида қарор қабул қилди. (Қарсаклар).

Мудофаа комплекси аҳолининг маданий-маиший молларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини таъминлашга анча кўпроқ ҳисса қўшиши лозим. Ҳозир «мудофаачилар» йилига салкам 30 миллиард сўмлик ёки мамлакатда ишлаб чиқарилаётган шундай жами молларнинг 22 процентини тайёрлаб бермоқдалар. 1990 йилда ўсиш 33 процентни ташкил этади. Биз ўн учинчи беш йилликда комплекс 250—270 миллиард сўмлик шундай молларни ишлаб чиқаради ва ҳозирги беш йиллик топшириғидан икки баравар ошиб кетади, деб мўлжаллаяпмиз.

Мудофаа ва халқ хўжалиги манфаатларини кўзлаб космик техника яратиш ҳамда ундан фойдаланиш каби масалага ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур, деб ҳисоблайман. Афтидан, мудофаа мақсадларига сарфланаётган харажатлар каби космик программаларимизни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам съездга тақдим этилиши керак.

Шундай қилиб, бунга қандай маблағлар сарфланади? Миллиард сўм ҳисобидаги рақамларни келтираман. Улар қуйидагилардан иборат:

Халқ хўжалиги ва илмий космос — 1,7 миллиард сўм;

Ҳарбий космос — 3,9 миллиард сўм;

Кўп марта фойдаланиладиган «Бўрон» космик системаси — 1,3 миллиард сўм;

Жами — 6,9 миллиард сўм.

Бу харажатлар ўзини оқлайдими, деган савол туғилади. Бу хусусда шуни айтиш мумкинки, Мудофаа министрлиги мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, ҳарбий аҳамиятдаги космик программаларни рўёбга чиқаришнинг ўзигина Қуролли Кучларимизнинг жанговар самарадорлигини 1,5—2 баравар оширади.

Айни вақтда энг муҳими шундан иборатки, космик техника ютуқларини халқ хўжалигига хизмат қилдириш, уларнинг социал масалаларга йўналишини кучайтириш зарур. Бунда эса имкониятлар ғоят каттадир. Фақат бир масала — телефонлаштириш масаласини олиб кўрайлик. Биз бу муаммони мамлакатимиз шароитида одатдаги анъанавий йўллар билан ҳали кўп йилларгача ҳал эта олмаймиз. Космос бизга бошқача, анча тезроқ йўлдан бориш, масалан, телевидение муаммоси қандай ҳал этилган бўлса, ана шундай ҳал этиш имконини беради. Ҳозир мамлакат аҳолисининг 94 проценти телевидение билан қамраб олинган.

Қуйидагиларни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Мудофаа масалаларига доир қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тартиби қайта қуриш ва ошкораликни ривожлантириш руҳида анча ўзгаради. Улар давлат плани ва бюджети қандай кўриб чиқилса, худди шундай тартибда кўриб чиқилади.

Чуқур ўйланган ва ҳар томонлама текширилган ташқи сиёсатни амалга ошириш негизида совет кишиларининг ҳозирги авлоди ва кейинги авлодлари учун тинч турмуш шароитини таъминлаш бизнинг халқ олдидаги асосий бурчимиздир. Шубҳасиз, совет тинчлик ташаббуслари ортиб бораверади, халқаро муносабатларни тубдан соғломлаштириш йўли янада фаоллик билан ривожлантирилади. Ҳукумат бу йўлни қатъият билан ўтказишни, барча мамлакатлар ўртасида ишонч, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳини қарор топтириш олижаноб ишига ҳар томонлама хизмат қилишни ўзининг муҳим бурчи деб билади.

IX. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти ва валюта аҳволи. Ўртоқлар! Мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти ва валюта аҳволи ҳақида қисқача тўхталмоқчиман. Бу соҳада кўрилган чора-тадбирлар экономикамизга кўпроқ очиқлик беришга, барча корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, шу жумладан кооператив корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотлари халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиши учун имкониятни таъминлашга қаратилган эди.

(Давоми тўртинчи бетда).

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи, иккинчи ва учинчи betларда).

Ҳамма учун ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқи берилган ҳозирги пайтда мамлакатда ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этаётган 2000 дан кўпроқ корхона, бирлашма ва ташкилот рўйхатга олинган. СССР территориясида 460 га яқин қўшма корхоналар таъсис этилди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлардаги шериклар билан бевосита алоқа тўғрисида икки мингта шартнома тузилди.

СССР ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди. Асосий жиҳати — савдонинг анъанавий шаклларидан фан, техника ва ишлаб чиқаришда жуда кенг ҳамкорлик қилишга ўтишдан иборат. Экспорт структурасини тубдан ўзгартириш, унда тайёр маҳсулотлар улушини кескин даражада ошириш кўзда тутилган. Четдан маҳсулот сотиб олишда реконструкциялаш ва модернизациялаш учун машина-ускуналари харид қилишга устунлик берилади.

Бироқ ҳозирги вақтда ташқи иқтисодий фаолият аҳвол мураккаблигича қолмоқда. 1985 йилга нисбатан 1988 йилда четга маҳсулот чиқариш 7,6 процент, четдан маҳсулот сотиб олиш — 6,3 процент камайди. Жаҳон бозорида нефть нархининг арзонлашиши (1985 йилдаги бир тоннасининг нархи 160 сўмдан 1988 йилда 60 сўмга тушиб қолиши), нефть маҳсулотлари ва газ нархининг арзонлашиши натижасида сўнгги уч йил ичида эркин алмаштириладиган валютадангина салкам 25 миллиард сўм зарар кўрилди. Бу зарарнинг ўрнини тайёр буюмларни четга сотишдан тушумларнинг кўпайиши билан тўлдиришга муваффақ бўлинмади.

Вазият маҳсулотнинг кўпгина турларини чет элдан харид қилишдан воз кечишга имкон бермайди. Чунончи, беш йилликнинг дастлабки уч йилида чет элдан деярли 31 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда шундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун хом ашё келтирилди. Бу йил истеъмол молларини ва озиқ-овқат маҳсулотларини четдан сотиб олишга салкам 22 миллиард сўм, жумладан дон ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун валюта тарзида 5 миллиард сўмдан кўпроқ сарфланади.

Тўлов имкониятлари чекланган вазиятда четдан харид қилиш учун юксак эҳтиёжларнинг сақланиб қолаётганлиги шунга олиб келдики, СССРнинг валюта қарзлари товарлар ва хизматларни экспорт қилишдан йил давомида тушадиган валютадан икки баравардан зиёдроқ ортиб кетди. Шу муносабат билан биз қисқа муддатли қарз олишга мажбур бўлмоқдамиз, бунинг устига сўнгги вақтда тобора кўпроқ миқдорда қарз олишга мажбур бўляпмиз. Нефтни сотишдан тушаётган маблағларнинг ҳаммаси энди ана шу қарзларнинг процентини тўлашга етмай қолди.

Ҳукумат ҳаддан ташқари валюта қарзи жиддий иқтисодий ва сиёсий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин, деб ҳисоблайди. Биз ҳали ҳам халқаро практикада йўл қўйиладиган чегарадан — қарзларни узиш учун тўловлар ва валюта тушумларининг 25 процентлик нисбатидан ўтиб кетдик. Равшанки, қарз масаласига ғоят эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим.

Умуман, янги ҳукуматнинг иши кўп йиллар давомида сунъий равишда экономикамизни жаҳон хўжалигида юз бераётган жараёнлардан ажратиб қўйишни қатъий бартараф этишга қаратилган вазифа деб биламан. Аввалгидаги каби ҳозир ҳам социалистик мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга, социалистик иқтисодий интеграцияга устун даражада аҳамият берилади.

Пировардида шуни айтмоқчиманки, биз ўз фаолиятимизни сифат жиҳатдан ўзгарган сиёсий вазиятда амалга оширишимизга, чинакам демократик халқ депутатлари Советлари ва уларнинг олий ҳокимият органлари билан ишлашимизга тўғри келади. Тузиладиган ҳукуматнинг ўзига хос принципиал жиҳати шундан иборатки, у янги шароитда ҳақиқатан ҳам халқ ҳокимиятининг тўла ҳуқуқли органи бўлади. Ана шундагина у халқ иродаси оғишмай бажарилишининг ишончли кафолатчиси бўлиши мумкин.

Партия омманинг жонли ижоди, янги, чинакам инсонпарварлик принциплари асосида ривожланадиган жамият сифатида социализмнинг ленинча концепциясини узил-кесил танлаб олди. Эндиликда халқнинг бутун тажрибаси ва ғайрат-шижоати, сиёсатнинг одамлар кундалик эҳтиёжлари ва манфаатлари билан узвий бирлиги — бизнинг таянчимиздир. Куни кечагина шахсий ташаббус, регионал хусусият, маданий хилма-хиллик ва тафаккурнинг ностандартлиги бюрократик бошқарувга фақат тўсиқ бўлиб келган эди. Ҳозирги вақтда бу хислатлар умидимиз ва ишончимизнинг асосий манбаидир.

Биз сиёсий ва иқтисодий ўзгартишлар йўлидан қатъият ва изчиллик билан олға томон ҳаракат қилиб, пировард натижада долзарб социал муаммоларимизни ҳал қилишимизга ишончим комил. Моддий соҳада қилинадиган ишлар нақадар муҳим бўлмасин, энг қимматли бойлигимизни — халқнинг маданий ва маънавий меросини йўқотмаслигимиз керак.

Чунки ўзининг маънавий бойлигидан маҳрум бўладиган халқ тарихий истиқболидан ажраб қолади.

Шу жиҳатдан мен депутат Дмитрий Сергеевич Лихачев жамиятда маданият бўлмаса, принципиал маънавият бўлмаса социал ва иқтисодий қонунлар ҳам амал қилмайди, деб съездда баён қилиб берган позициясини астойдил қўллаб-қувватлайман. Маданиятнинг пастлиги ижтимоий ҳаётга, давлат ишига, миллатлараро муносабатларга салбий таъсир қилмоқда. Ҳукумат маданият, матбуот, бошқа оммавий ахборот воситаларининг моддий базасини ривожлантириш учун имкони бўлган ҳамма ишни қиларакан, халқнинг маданий меросини ва жамиятнинг интеллектуал имкониятларини бойитишга қаратилган ҳар қандай фойдали ташаббус ва ижодий куч-ғайратлар қўллаб-қувватланаверади. **(Қарсаклар).**

* * *

Ўртоқлар!

Мамлакатда социал-иқтисодий муаммолар жуда кўп тўпланиб қолган, бу съездда ўтаётган мунозаралардан ҳам кўриниб турибди. Уларнинг ҳаммаси ғоят жиддий эътибор беришга лойиқдир. Уларни бутун халқ ҳўжалиги, ҳар бир киши зўр ғайрат билан, зўр самара билан ишлаган тақдирдагина ҳал қилиш мумкин. Биз ана шу муаммоларни ҳал этиш учун жипслашишимиз лозим. Фақат халқнинг жипслашиши ва донолигина мамлакатни мураккаб аҳволдан олиб чиқиши мумкин.

Партиянинг совет жамиятини янгилаш йўлини амалга ошириш учун жуда кўп иш қилишимизга тўғри келади. Бу ишни давлатдаги сиёсий барқарорлик шароитида, мамлакатимиздаги барча халқларнинг аҳиллик билан куч-ғайрат сарфлаши натижасидагина уддалаш мумкин. СССР Министрлар Советининг янги состави ўтган йилларда тўпланган барча фойдали жиҳатлардан, халқ депутатлари съезди ишлаб чиқадиган ҳамма нарсалардан фойдаланади ва шу асосда мамлакатнинг қайта қуриш ва тараққиёт йўлидан муттасил жўшқин ҳаракат қилиб боришига эришади. Ишимизнинг бутун моҳияти мана шундадир. **(Қарсаклар).**

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИДА

8 июнь куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида СССР халқ депутатларининг съезди ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда депутат **А.—М. К. Бразаускас** раислик қилди.

Депутатлар СССР ички ва ташқи снёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги, Совет ҳукуматининг келгусидаги фаолият программаси ҳақидаги масалани муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Сайловолди кампанияси, сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлар халқ қайта қуриш суръатларидан қониқмаётганлигини кўрсатди, деди депутат **Г. В. Биков.** Пулнинг қадрсизланиши ўсиб бораётганлиги, озиқ-овқат, саноат молларининг тақчиллиги, инсон қадр-қимматини камситувчи навбатлар, жиноятчиликнинг ўсиши, мамлакатда ишларнинг аҳволи умуман ёмонлашаётганлиги кескин норозиликка сабаб бўлмоқда.

Бунга сабаб, дейди ишчи, — бир қанча муаммоларни ҳал этишда пухта ўйламаслик ва шошқалоқликдир. Ҳеч бўлмаса, ички қаршиликка қарши курашга онд қарорларнинг пухта ўйланмаганлиги, кооперативлар ёки агросаноат тўғрисидаги масалаларни ҳал этишдаги бир ёқламаликни олиб кўрайлик. Кўпинча шошмашошарлик билан чиқарилган қонун актлари пайдо бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси учун эса халқнинг жафо чекишига тўғри келмоқда.

Ишчилар синфи қайта қуришни, иқтисодий, снёсий ислоҳотнинг иложи борича тезроқ амалга оширилишини ёқлаб чиқмоқда. Бироқ, дейди депутат, ишчилар гўё улардан четда қолгандек туюлмоқда. Нотиқ СССР Олий Советини яқин вақт ичида ишчилар съездини чақиришга даъват этди.

У министрликларнинг вазифаларини қайта кўриб чиқишни, уларнинг корхона номидан қарорлар қабул қилиш имкониятини чеклаб қўйишни, айни вақтда уларнинг сонини камайтириб, шу тариқа идораларни пул билан таъминлаш харажатларини қисқартиришни ҳам таклиф этди.

Депутат Н. И. Рижковнинг докладидаги кам пенсияларни ошириш тадбирлари тўғрисида гапирилган қоидаларни қўллаб-қувватлади, тўла маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш тўғрисида тезроқ қонун қабул қилишни таклиф этди. У турли категориядаги ишловчилар учун отпуска муддатининг бир хил эмаслиги тўғрисидаги ўткир социал масалага ҳам тўхталди. Депутат отпуска барча учун бир хил — 24 иш куни бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Депутат **Н. П. Шмелев** СССР Министрлар Совети Раисининг докладидаги принципиал қоидаларга нисбатан ўз муносабатини билдириб, тараққиётимизнинг узоқ муддатли истиқболларидан кўра яқин 2—3 йили иқтисодчи сифатида уни ташвишлантираётганини айтди. Агар мана шу вақт ичида тобора ўсиб бораётган пулнинг қадрсизланишига, истеъмол бозорининг инқирозга юз тутишига, ялпи миллий маҳсулотга нисбатан жаҳондаги рекорд даражада бюджет камомадга чек қўймас эканмиз, биз иқтисодий ҳалокатга учрашимиз мумкин. Бундай ҳалокатнинг оқибатлари маълум: ялпи карточка системасининг жорий этилиши, сўмнинг қадрсизланиши, чайқовчиликнинг ва яширин экономиканинг авж олиши ҳамда унинг якуни сифатида халқ хўжалигимизда маъмурий-буйруқбозлик интизомига қайтишдир.

Мамлакат раҳбарлари Н. И. Рижковнинг СССР ҳукуматининг фаолият программаси тўғрисидаги докладини тинглаб вужудга келган иқтисодий вазиятнинг хавфли эканини тушунмоқдалар, деди сўнгра нотиқ. Депутатлар истеъмол бозорида аҳволни барқарорлаштиришга, бюджет камомадини қисқартиришга қарши тадбирлар тўғрисида гўё кўнгилни тинчлантирувчи тахминларни эшитдилар. Аммо бу тадбирлар, деди у, етарли эмас ва жуда узоқ муддатга мўлжалланган.

Сўнгра депутат иқтисодий вазиятнинг ёмонлашувига таъсир кўрсатган сабабларни батафсил таҳлил этди. У яқин икки-уч йил ичидаёқ пулнинг қадрсизланиш жараёнини тўхтатиш, бюджет камомади хатарли ўсиб боришига барҳам бериш, экономикани планли асосда соғломлаштира бошлаш имконини берадиган ишончли тадбирларни таклиф этди.

Бюджет — бугунги кунда шундай ўткир соҳаки, деди сўнгра депутат, мен уни халқ депутатлари съездининг ваколати соҳасига киритишни ва уни ноябрь ёки декабрь ойида, биз келгуси марта тўпланадиган пайтда муҳокама қилишни таклиф этаман.

(ТАСС).

ҚАТЪИЙ, ПРИНЦИПИАЛ ПОЗИЦИЯЛАРДА

(Давоми. Боши биринчи betда).

Г. В. Колбин кўпчилик овоз билан СССР Халқ контроли комитетининг раиси этиб сайланди.

Сўнгра депутат **С. Я. Наумов** авариядан азият чекканларга ёрдам бериш ва унинг оқибатларини тугатиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар билан танишиш учун Челябинск областига бориб келган депутатлар группаси номидан ахборот берди.

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг кечқурунги қўшма мажлисида кун тартибини кўриб чиқиш давом эттирилди.

СССР Олий Советининг Раиси **М. С. Горбачев** СССР Олий судининг раиси лавозимига ҳозирги вақтда РСФСР Олий судининг раиси бўлиб ишлаётган Е. А. Смоленцевни сайлашни таклиф қилади.

Олий судга, деди М. С. Горбачев, ҳар жиҳатдан вазмин, билимдон, катта тажрибага эга бўлган киши бошчилик қилиши керак. Одил судлов органларимизнинг роли беқиёс ошмоқда, чунки биз ҳуқуқий давлат барпо этаяпмиз. Афтидан, мана шундай ёндашув ўринлидир.

Е. А. Смоленцев СССР Олий судининг фаолияти билан таниш, у бир неча йил мобайнида шу ерда ишлаган. 1972 йилдан 1977 йилгача у СССР Олий судининг аъзоси, СССР Олий суди жиноий ишлар судлов коллегиясининг раиси бўлган, 1977 йилдан 1987 йилгача СССР Олий суди раисининг ўринбосари лавозимида ишлаган.

Е. А. Смоленцев минбарга чиқади. У депутатларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтаради.

Кўпчилик овоз билан Е. А. Смоленцев СССР Олий судининг раиси этиб сайланади.

СССР Олий Советининг Раиси **М. С. Горбачев** ҳозирги вақтда Украина ССРнинг Бош давлат арбитри бўлиб ишлаб турган Ю. Г. Матвеевни СССРнинг Бош давлат арбитри этиб тайинлаш ҳақида таклиф киритади.

Ю. Г. Матвеев депутатларнинг саволларига жавоб қайтаради.

Депутатларнинг овоз бериши билан Ю. Г. Матвеев СССР Бош давлат арбитри қилиб тайинланади.

М. С. Горбачев А. Я. Сухаревни СССР Бош прокурори этиб тайинлашни таклиф қилади.

Депутатларнинг саволларига жавоб қайтариш учун **А. Я. Сухарев** минбарга чиқади.

СССР Бош прокурори лавозимига А. Я. Сухаревнинг номзодини муҳокама қилишда депутатлардан **В. А. Ярин, Ю. В. Голик, А. Д. Меликов, Ф. М. Бурлацкий, И. Н. Грязин, Н. А. Крюченкова** ва бошқалар қатнашдилар.

СССР Олий Совети кўпчилик овоз билан А. Я. Сухаревни СССР Бош прокурори этиб тайинлайди.

Депутатларнинг овоз бериши билан СССР Олий Советининг қуйидаги комитетларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинади:

Халқаро ишлар комитети;

Мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари комитети;

Қонун чиқариш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети;

Халқ депутатлари Советларининг иши, бошқариш ва ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантириш масалалари комитети;

Иқтисодий ислоҳот масалалари комитети;

Аграр масалалар ва озиқ-овқат комитети;

Қурилиш ва архитектура масалалари комитети;

Фан, халқ таълими, маданият ва тарбия комитети;

Халқ соғлиғини сақлаш комитети;

Хотин-қизлар, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари комитети;

Ветеранлар ва инвалидлар ишлари комитети;

Ёшлар ишлари комитети;

Экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари комитети;

Ошкоралик, гражданларнинг ҳуқуқлари, шикоят ва аризалари масалалари комитети.

СССР Олий Совети Ўзбекистондан сайланган СССР халқ депутатлари делегациясини вазиятни барқарорлаштиришда республика органларига СССР Олий Совети номидан ёрдам бериш учун шошилинч равишда Ўзбекистонга юборишга қарор қилди.

Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси ёпиқ деб эълон қилинади.

(ТАСС).

БОШ КОНСУЛХОНА ОЧИЛДИ

8 июнь куни Ўзбекистон пойтахтида Ливия Араб социалистик халқ жамоҳирияси (ЛАСХЖ)нинг Тошкентдаги бош консулхонасини тантанали вазиятда очиш маросими бўлди. Маросимда партия, совет ходимлари, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари иштирок этдилар. Уларни ЛАСХЖнинг Тошкентдаги бош консули Ал-Мабрук ал-Ҳамуди Умрон бошчилигидаги консулхона ходимлари табрикладилар.

Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов кириш нутқида бош консулхонанинг очилиши Совет—Ливия дўстона муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ҳизмат қилажагини қайд этиб ўтди. Чет мамлакатлар билан бевосита алоқалар ўрнатиш тажрибасини орттирган Ўзбекистон ҳам бу жараёнга ўз ҳиссасини қўше олади. Бош консулхонанинг фаолияти Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонни, шунингдек, Озарбайжон ССР ва Грузия ССРни қамраб олади.

Ливия Араб социалистик халқ жамоҳириясининг СССРдаги халқ бюроси котиби Дау Али Суейдан жавоб нутқи сўзлади. У таъкидладики, ЛАСХЖ халқи ва раҳбарияти Совет Иттифоқи билан дўстлик ҳамда ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта аҳамият бермоқда, бу эса иккала мамлакатнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушади, планетада тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Бош консулхона биноси устида ЛАСХЖнинг Давлат байроғи кўтарилди.

ЛАСХЖнинг Тошкентдаги бош консулхонасини очиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. Ш. Бекқулбекова, Монголия Халқ Республикасининг Тошкентдаги бош консули Ц. Буянтогтох, Афғонистон Республикасининг Тошкентдаги бош консули Ғ. Ҳ. Ҳамгар, Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги бош консули Й. Кумар иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Жанубий Кореянинг Қайта бирлашиш учун курашувчи демократик партияси делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишди. Делегацияга шу партиянинг Раиси Ким Ён Сам бошчилик қилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов 8 июнь куни делегация аъзоларини қабул қилди. Дўстона суҳбатда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов қатнашди.

Шу куни Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитетида суҳбат бўлиб ўтди.

Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечиришди. Улар Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозида бўлиб, республикамизда истиқомат қилаётган ватандошлари билан суҳбатлашдилар.

(ЎзТАГ).

• Фарғона областидаги воқеаларга доир

ИНСОФГА ЧОРЛОВ

Мен бу сатрларни бир неча кунлик уйқусизликдан сўнг, фожиали таассуротлар кўз ўнгимдан ҳали кетмай, уят ва изтиробдан чил-парчин бўлиб ёзяпман. Мен бу сўзларни бировга ақл ўргатиш учун эмас, ўзимни ва бошқаларни кўрганларимга ишонтириш учун ёзяпман. Чунки бу фожиани кўриб, кўзга ишониш қийин.

Мен Марғилонга 3 июнь куни меҳнат турклари ва ўзбеклар ўртасида можаро бошланган куни етиб келдим. Соат тунги 12 да Фарғона қўналғасидан Марғилонга йўл олдик. Бу кичик шаҳарчага кириб бораркансиз, дастлаб йўл чеккасида ловиллаб ёнаётган уйлар кўринди. Кейин у ёқ бу ёққа безовта чопаётган одамлар, милиционерлар пайдо бўлди. Биз то шаҳар партия комитетига етгунча шу манзара давом этди. Партия комитетида бир зум тўхтаб, жанжал ўчоғи—Тошлоққа жўнадик. Райони келганимизда хунрезлик авжига чиққан эди. Аёллар ва болаларнинг фарёди, ёнаётган хонадонлар аланғаси, ўқ товушлари ва милиция ходимлари юзидаги саросима — вазиятнинг ниҳоятда оғирлигини кўрсатиб турарди. Жабрланаётган, хўрланаётган инсон боласини кўриш ва унга зудлик билан ёрдам кўрсатишга ожизлик ҳисси бизни қаттиқ азобларди... Бир ҳужум бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас эди. Эрталаб биз аҳоли билан учрашдик, уларга таскин беришга уриндик, ҳалок бўлганлар оиласига таъзия изҳор қилган бўлдик.

Юз берган фожиа ҳар қандай ҳушёр одамнинг ақлига сиғмасди. Мен ўзимча фожиа сабабларини изладим. Эҳтимол, бу олдинроқ Қувасойда бўлиб ўтган жанжалнинг давомидир, деб ўйладим. Қувасой аҳолисининг кўпчилигини турклар ташкил қиладн ва узоқ йиллар давомида ерли халқ вакилларига зуғум ўтказган, деган миш-мишлар бор-ку, деб ўйладим. Балки бу гапда жон бордир. Аммо Марғилонда, хусусан, Тошлоқ ва унинг атрофида кўплаб аҳоли ишсиз. Уларнинг моддий аҳволи кўнгилдагидек эмас. Ҳал қилинмаган ижтимоий ва иқтисодий масалалар Ўзбекистоннинг бошқа жойларидаги каби, Марғилонда ҳам кўп. Шубҳасиз, бу аҳолининг ана шу ишсиз қисми психологиясига бошқодн бир халқларгина эмас, балки қони ҳам бир халқдир. Туркияда яшаётган туркларбизни «ўзбек туркlари» деб, Ўзбекистонни эса «ота юрт» деб атайдилар. Зотан, туркларнинг асосий қисми минг йиллар муқаддам шу ердан кўчиб кетишган. Турк ва ўзбек бир улкан миллатнинг икки уруғи. Ўзбек халқи генезисини қарлуқ ва қипчоқ уруғлари ташкил қилса, туркlар-ўғуз уруғига киради. Бугунга келиб бир-бирига тажовуз қилаётган қондош икки гуруҳ бу тарихий ҳақиқатни билармикин?! Йўқ, билмайди. Акс ҳолда, ҳунрезлик юз бермаган бўларди. Мечетн туркларини мен Сталин снёсатининг қурбонлари деб биламан. Улар нафақат ўз тарихидан, ҳатто ўз Ватанидан ҳам айрилган халқдир. Бу ҳам ўша мудҳиш снёсатнинг меваси. Бу адолатсизлик тадоригини кўрмоқ даркор.

Мен ўзбек ёзувчилари номидан Марғилон аҳолисини осойишталикка чақираман, жабрланганларга ёрдам кўрсатишга, уларни муҳофаза қилишга даъват этаман. Инсофсизларни инсофга чорлайман. Ўзбекнинг олийжаноб халқ эканлигини яна бир карра исбот этайлик, бир-бировимизга раҳм-шафқат кўрсатайлик!

Муҳаммад СОЛИҲ,
шоир.

ҚОНУНСИЗЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Фарғона областида аҳвол яхшиланиб боряпти. Шаҳар транспорти ишлаб турибди. Аммо шаҳарликларнинг эҳтиёжи учун етарли даражада транспорт воситаларини маршрутга чиқаришнинг иложи бўлмаяпти. Чунки ташвишли вазият рўй берган биринчи куниёқ шаҳардаги 9-автопарқка қарашли 30 та ЛАЗ ва 22 та Икарус автобуслари ишдан чиққан эди. Уларнинг ойналари синдирилган, корпуслари шикастланган. Шунга қарамай, ремонтчиларнинг фидокорона ишлашлари туфайли машиналарнинг катта қисми эртасигаёқ яна тахт ҳолга келтирилди. Шу билан бирга, Андижон ва Наманган дан ҳам қўшимча автобуслар шаҳарга етказиб берилди.

Шаҳар атрофидаги Ермозор, Жўйдам, Чекшўра қишлоқларида ҳам вазият осойишта.

Марғилон шаҳрида, Тошлоқ ва Комсомольск посёлкаларида ҳам аҳвол нормал изга тушяпти. СССР Ички ишлар министрлиги қўшинлари снёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари полковник Евгений Александрович Нечаев журналистлар билан суҳбатда областда ўта мураккаб шароит ҳукм сураётгандигига қарамай, яхшиланиш сари қадамлар ташланаётганлигини айтиб берди. Областда ҳукумат комиссияси ишлаб турибди. Рўй берган воқеалар юзасидан тергов ишлари олиб бориляпти. 6 июнь куни қотиллик ва ўт қўйишлар бўйича 7 та жиноий иш қўзғатилди. Экстремистлардан 2 та милтиқ, 33 та пичоқ ва бошқа совуқ қуроллар мусодара қилиб олинди.

Биз Фарғона районидаги Ленин номли колхозга бордик. Бу колхоз меҳнати туркlари ғуж бўлиб яшайдиган зоналардан биридир. Бу ерда 3 июнга қадар 800 нафардан ортиқ туркlар истиқомат қилар, колхоз қаётида актив қатнашар эди. Улар орасидан чиққан донгдор пахтакор, Ленин ордени кавалери Уммат Кўчиевни нафақат областда, балки республикада ҳам яхши билишарди. Рўй берган можаро оқибатида улар уй-жойларини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлдилар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари туфайли бу ерда яшайдиган меҳнати туркларининг бирортасига ҳам жароҳат етказилмаган. Тўполонлар бошланиши пайтидаёқ уларни уюшқоқлик билан ташкилий равишда хавфсиз жойларга элтиб қўйишган. Ҳозирги пайтда қишлоқ Совети депутатлари, колхоз активларидан иборат махсус комиссия меҳнати туркlари хонадонларидаги чорва молларини тўплаб, уларнинг кимга тегишли эканлигини аниқлаб, вақтинча боқиб туриш учун колхоз фермасига жўнатяптилар. Уларнинг хонадонларида ҳали териб олинмаган пилла дасталари тўп-тўп бўлиб ётипти. Колхоз раиси О. Сатторов бутун активлар, маҳалла-кўй меҳнати туркlари уйидаги пиллани териб олиш, уларнинг уй-жойларини тартибга келтиришга сафарбар этилганлиги ҳақида гапириб берди.

Шу билан бирга, область жамоатчилиги орасида Иттифоқ матбуоти ва телевидениесида шу воқеаларга оид берилган ахборотлардаги ноаниқликлар ҳақида фикрлар юрипти. Масалан «Известия» газетасининг 6 июнь сонида тартибсизликларнинг 200 дан ортиқ бошловчилари ҳибсга олингани ҳақида маълумотлар чиққан. Ҳолбуки, область партия комитетида ташкил этилган матбуот марказидан бизга берилган маълумотга кўра бошловчиларнинг арзимаган бир қисмигина қўлга тушган, холос.

Фарғона, Марғилон шаҳарлари кўчаларида бронетранспортёрларни кўрасиз. Бу ҳали аҳвол ташвишли эканлигидан далолат бёради. Комендантлик соати давом этяпти. Фарғона шаҳри аҳолисининг нон билан таъминлашда узилишлар юз беряпти. Кўчаларда енгил машиналар тўхтатилиб, синчиклаб текширишдан ўтказиляпти. Бироқ областда иш тўхтаб қолгани йўқ. Шу кунларда пилла терими қизғин бормоқда. Куни кеча Бувайда районидаги «Партия XX съезди», Бағдод районидаги «Большевик», Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхозлар пиллакорлари галадан рапортига имзо чекдилар. Фарғона аэропортида самолётлар тўхтовсиз учмоқда. Поездлар қатнови жадвали ҳам бузилмаган.

Область газеталарида айрим гражданларнинг, меҳнат коллективларининг аҳолини осойишталикка, тартибни сақлашга, бир-бирларини ҳурмат қилишга қаратилган мурожаатлари эълон қилиняпти. Шу кунларда тахликали дамларда ҳам ўз турк биродарларига ёрдам қилган инсонлар ҳақида кўплаб ҳабарлар эшитяпмиз. Фарғона шаҳрилик врач И. Копадзени бола-чақалари билан бир ўзбек оиласи уч кунгача ўз хонадонида яшириб турган. Ленин номли колхозда биз яхши бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Шу колхозда яшовчи ўзбеклар меҳнати туркларининг уйларидаги буюмларини машиналарга юклаб уларнинг ўзларига етказиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилишяпти. Ҳа, бизнинг одамларимиз ўзларининг байналминал анъаналарини ҳеч вақт унутмайдилар.

Областда аҳвол яхшиланиб бормоқда.

А. ИБОДИНОВ.

ШАФҚАТСИЗЛИК ВА ТЕЛБАЛИК

ҚЎҚОН. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги матбуот группасининг ходими, милиция майори В. Сафиулов телефон орқали хабар беради.

Ўзбек халқи тарихи ва маданиятининг манбаларидан бири бўлган ана шу шаҳарда 7 июнь куни уйларга ўт кетди. Арақ ва қора дори ичиб, наша чекиб жазавага тушган, қўлига темир таёқ ничоқ, кетмон ва қотилликнинг бошқа қуролларини ушлаб олган 5 минг кишилик оломон ўқотар қуроллар ва милициянинг бошқа қуролларини қўлга киритиш учун шаҳар милиция бўлимига ҳужум қилди. Айни вақтда беш юз—олти юз бошқа безорилар галаси ички ишлар транспорт линияси бўлимини алғов-далғов қилишга уриниб кўрди.

Шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш органларининг раҳбарлари қон тўкилишининг олдини олишга уринди, ҳужум қилаётганларга мурожаат этдилар ва жаҳолатни тўхтатишга, бебошлик билан халқнинг покиза номига доғ туширмасликка даъват қилдилар. Аммо қора дори ва нашадан, экстремистларнинг миллатчилик руҳидаги даъватларидан васвасага тушган оломон ақл-идрок овозига қулоқ солмади.

Ҳужум қилганлар орасида маҳаллий жанжалкашлардан ташқари Тошлоқ, Риштон районларидан келган жиноятчилар бошчилигидаги гуруҳлар ҳам бор эди. Аммо улар қурол-яроғни қўлга киритишга муваффақ бўлмадилар. Бебошликлар оқибатида кеча 6 киши ҳалок бўлди, 90 дан ортиқ одам жароҳатланди, 61 киши касалхонага ётқизилди. Булар орасида милиционерлар ва СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинлар составидаги шахслар бор. 65 та уй, 6 та маъмурий объектга, 20 дан кўпроқ автомашинага ўт қўйилди...

Бу, — дастлабки маълумотлардир. Шаҳарда уйлар ёниб турибди. Ҳужум қилганлар тарқатиб юборилди, ашаддий жанжалкашлардан бир қанчаси қўлга олинди, тергов олиб борилмоқда. Шунга қарамай, жиноятчи унсурлар ва экстремистлар гиж-гижлаётган безорилар ҳали у ерда, ҳали бу ерда агрессив гуруҳларга тўпланишмоқда, кескин вазият сақланиб турибди.

Тартибни сақлаш отрядлари, ҳарбий хизматчилар вазминлик ва осойишталик билан иш кўрмоқдалар.

(ЎзТАГ).

Муҳаррир ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ.

Р. — 05789. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Б. — 136. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12